

«ЎЗБЕКИСТОН
ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АЖНИНГ
2021 йил учун
БИЗНЕС-РЕЖАСИ

МУНДАРИЖА

1. ГЛОССАРИЙ	3
2. РЕЗЮМЕ	4
2.1. ҚИСҚАЧА ШАРХ	4
2.2. БИЗНЕС-РЕЖАНИНГ МИССИЯСИ ВА МАҚСАДИ	5
3. ҲАРАКАТ ТАРКИБИ ВА ИНФРАТУЗИЛМА	6
3.1. ЛОКОМОТИВЛАР	6
3.2. ВАГОНЛАР	7
4. Ҳаракат таркиби таъмирлаш	12
5. Йўл ва йўл хўжалиги	14
6. ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ, СИГНАЛИЗАЦИЯ ВА АЛОҚА ХЎЖАЛИГИ	17
7. ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР	20
8. ЙЎЛАКЛАР	22
9. АТРОФ-МУҲИТ	22
10. МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР	23
11. 2020 ЙИЛ УЧУН КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ВА 2021 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ	30
12. МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ	32
12.1. ЮК ТАШУВЛАРИНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ	32
12.2. ЙЎЛОВЧИ ТАШУВЛАРИНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ	33
13. МАҚСАДЛИ БОЗОРЛАР	34
13.1. МАҚСАДЛИ ИСТЕМОЛЧИЛАР	34
13.2. НАРХ ҲОСИЛ ҚИЛИШ	35
14. РЕКЛАМА СТРАТЕГИЯСИ	36
15. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ	36
16. ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ	46
17. ПУДРАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ	48
18. МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ	52
19. ҲОМИЙЛИК ёРДАМИ	53

1. ГЛОССАРИЙ

ОТБ	Осиё тараққиёт банки
АБТ	Автоматлаштирилган бошқарув тизими
ВОЛС	Тола-оптик алоқа линияси
ВСП	Йўлнинг устки қатлами
ВЧД	Вагон депоси
ГСМ	Ёнилғи-мойлаш материаллари
ИССО	Сунъий иншоотлар
ХХР	Хитой Халқ Республикаси
МВПС	Моторвагон ҳаракат таркиби
МТТ	Халқаро темир йўл Транзит Тарифи
ҚМИ	Қурилиш-монтаж ишлари
ОПМС	Тажриба йўл-машина станцияси
ПДМ	Темир йўл устахоналари
ПМС	Йўл машина станциялари
ППС	Буғлаш-ювиш станцияси
ПТО	Вагонларга техникавий хизмат кўрсатиш пункти
ПЧЛ	Иҳота ўрмонзорлар дистанцияси
МТУ	Минтақавий темир йўл узели
РСП-14	14-рельс-пайвандлаш поезди
СМР	Қурилиш-монтаж ишлари
МДҲ	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
СПМС	Ихисослаштирилган йўл-машина станцияси
ТПС	Тяга подстанцияси
ТЧ	Локомотив депоси
ТЭО	Техникавий-иқтисодий асослаш
ЎзТТЖ	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси
ЭП-1	1-энергомонтаж поезди
ЯАМС	Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги
КР-1, КР-2	Локомотивларни туб тамирлаш
ОПЕК	Нефт экспортчи мамлакатлар ташкилоти
КФВ	Германия давлат банки
КФАЭР	Араб иқтисодий ривожи Қувайт жамғармаси
МБРР	Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки
АКБ «УзПСБ»	Ўзсаноатқурилишбанк акцидорлик тижорат банки
FIEM	Corporate Internationalization Fund (FIEM) - Испания компаниялари ва маҳсулотларининг чет элда бўлишини тарғиб қилишга қаратилган жамғарма

2. РЕЗЮМЕ

2.1. ҚИСҚАЧА ШАРХ

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 ноябрдаги ПФ-982-сонли Фармони билан темир йўл транспорти тизимининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлинмалари, корхоналари ва ташкилотлари базасида ташкил этилганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан компания акцияларининг 100% давлатга тегишли очиқ акциядорлик жамияти ёки бундан кейин матнда «ЎТЙ» АЖ деб номланадиган «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ сифатида қайта тузилган эди.

Тармоқнинг асосий сифатлари этиб қўйидагилар белгиланганди:

- ягона темир йўл транспорт тармоғини тузиш;
- темир йўлнинг асосий участкаларини электрлаштиришни давом эттириш;
- темир йўлларни модернизациялаш, шунингдек, телекоммуникацияларнинг оптик тола тизимларига ўтишни ўз ичига олган ҳолда темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш;
- ҳаракат таркибини тамирлашнинг ўз базасини ривожлантириш;
- ҳаракат таркибини тиклаш ва янгилаш;
- жаҳон бозорига чиқиш ва республиканинг экспорт потенциалини оширишни тамиловчи муқобил транспорт йўлакларини злаш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги пўлат изли йўлларни шакллантириш бўйича катта ишлар бажарилди. Қизилқум барҳанлари узра Навоий – Учқудук – Султонувайстоғ – Нукус темир йўли ётқизилди, Амударё оша бирлаштирилган темир йўл-автомобил кўприги барпо этилди.

2010 йилнинг ноябр ойида Афғонистонда Хайратон-Мозори-Шариф темир йўл магистралини қуриш якунланди. Ушбу лойиҳа доирасида янги темир йўл линияси ётқизилди, Хайратон темир йўл бекати модернизация қилинди, Ноибод бекатида разъездлар ва янги темир йўл юқ ҳовлиси (грузовой двор) қурилди. Линиянинг умумий узунлиги 106 км ни, шундан асосий йўллар 75 км ни ташкил қилди.

«ЎТЙ» АЖ тарафидан 2016 йилда қўйидаги лойиҳалар амалга оширилди: «Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш» ва «Йўловчи поездларнинг юқори тезлиқдаги ҳаракатини ташкил қилиб Самарқанд-Бухоро темир йўл участкасини электрлаштириш». Янги темир йўл линиялари ишга тушиши билан «ЎТЙ» АЖ бош йўлларининг очиқ узунлиги 4 842,4 км ни ташкил қилди.

2016 йилда Қамчиқ тоғ довонидан ўтувчи, узунлиги 123,2 км, жумладан, 19,2 км туннелдан иборат «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш якунланди.

Соҳада муваффақиятли фаолият юритаётган инвесторлар:

- Осиё тараққиёт банки – билан “Ўзбекистон темир йўллари” жамияти 1998 йилдан “Ўзбекистон темир йўлларини қайта таъмирлаш” лойиҳаси орқали ҳамкорлик қилишни бошлаган. Бугунги кунгача Осиё тараққиёт банки иштироқидаги бир нечта лойиҳалар муваффақиятли якунлаган.

Ҳозирги пайтда Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Поп-Наманган-Андижон темир йўл участкасини электрлаштириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

- Хитой Эксимбанки – билан “Ўзбекистон темир йўллари” жамияти 2010 йилдан “Электровозлар харид қилиш” лойиҳаси орқали ҳамкорлик қилишни бошлаган. Бугунги кунгача Хитой Эксимбанки иштирокидаги бир нечта лойиҳалар муваффақиятли якунлаган.

Ҳозирги пайтда Хитой Эксимбанки иштирокидаги “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитенини қуриш” ва “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

- Ҳалқаро тикланиш ва тараққиёт банки (Жаҳон банки) – иштирокидаги “Электрлаштирилган Ангрен-Поп темир йўлининг қурилиши ҳамда

Поп-Қўқон-Андижон темир йўл участкасини электрлаштириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

- “Селена” МЧЖ билан “Ўзбекистон темир йўллари” жамияти 2018 йилдан “Юқори сифатли ликёр-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш” лойиҳаси орқали ҳамкорлик қилишни бошлаган. Ушбу лойиҳа “Селена” МЧЖ тўғридан-тўғри чет эл маблағлари иштирокида амалга оширилади .

- “Урал тоғ-металургия комбинати” (УГМК) билан “Ўзбекистон темир йўллари” жамияти 2018 йилдан “Юқори сифатли ликёр-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш” лойиҳаси орқали ҳамкорлик қилишни бошлаган. Ушбу лойиҳа “УГМК” Холдинг тўғридан-тўғри чет эл маблағлари иштирокидаги амалга оширилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ инфратузилмасининг ҳолати:

Темир йўл тармоғининг умумий узунлиги 7 401,2 км, шу жумладан:

- асосий йўллар 5 242,1 км;
- станция йўллари 1 769,1 км;
- шаҳобча йўллари – 390,0 км

максимал тезлиги 160 км / соатгача - 731,9 км;

максимал тезлиги 250 км / соатгача - 243,5 км.

Сигнал тизимлари билан жиҳозланган участкаларнинг умумий узунлиги 4757 км. улардан;

Электрланган участкаларнинг умумий узунлиги 3 510,6 км.

Автоматик блокировка қилиш тизими томонидан бўлимларнинг умумий узунлиги 1302,2 км.

2.2. БИЗНЕС-РЕЖАНИНГ МИССИЯСИ ВА МАҚСАДИ

Бизнес-режа жамият ходимлари, шунингдек, эҳтимолий хорижий инвесторларга раҳбарлик ва ишида фойдаланиш учун ишлаб чиқилган.

Бизнес-режани ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 марта даги ПФ-5953-сонли “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг“

2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги Қарорларида белгиланган соҳани ривожлантириш параметрлари асосида амалга оширилди.

Манфаатдор тарафлар (ОТБ, ЯАМС, ЎзТТЖ ва бошқа шу каби эҳтимолий инвесторлар) ишлатиши учун соҳани 2020 йилга мўлжалланган прогноз параметрлари ва

назарда тутилган режалари тўғрисидаги ахборотни бирлаштириш бизнес-режанинг мақсадларидан биридир.

Юк жўнатувчиларнинг юк ташув ва йўловчиларнинг темир йўл транспортига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида жамиятни ҳаракат таркибининг зарур парки билан тамиnlash.

Қўйилган мақсадга етиш учун қуийдаги биринчи навбатдаги вазифалар белгиланди:

- мамлакатнинг транспорт яхлитлиги, мустақиллиги, хавфсизлигини тамиnlash, ижтимоий-иктисодий ўсишини ва ташишга бўлган эҳтиёжларни амалга ошириш учун шарт-шароитларни тамиnlash мақсадида инфратузилмавий база сифатида очиқ ва барқарор транспорт тизимини шакллантириш;

- темир йўл инфратузилмасини реконструкция қилиш, такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- республика саноатини ҳаракат таркибиغا бўлган эҳтиёжини тамиnlash учун ҳаракат таркибини тамиrlash ва қуриш учун ишлаб чиқариш қувватларини ошириш;

- темир йўлнинг ўтказув ва ташув қобилиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, йўловчи темир йўл транспортинининг ҳаракат тезлиги ва хизмат кўрсатиш даражасини ошириш;

- темир йўлларда поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

- ташувни ташкил этишнинг замонавий механизmlарини жорий қилиш.

3. ҲАРАКАТ ТАРКИБИ ВА ИНФРАТУЗИЛМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги Қарори билан темир йўллар тармоғини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, соҳанинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, республика корхоналари ва аҳолисининг юклар ташиш ва йўловчилар ташувидаги эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги асосий йўналишлар, ёндашувлар ва механизmlар белгилаб берилган.

3.1. ЛОКОМОТИВЛАР

Поезд бошчилигидаги локомотив – темир йўлнинг тимсоли ва унинг ишини асоси саналади. Темир йўл транспорти локомотивлар туфайли янада ривожланиб бормоқда.

Локомотивлар деб, таъсири остида рельсли йўллар бўйлаб йўловчилар ва юклар ташиладиган ҳаракатланувчи таркиблар, тортиш кучини яратиш учун мўлжалланган транспорт машиналарига айтилади. Республика темир йўлларида фойдаланиладиган локомотивларнинг асосий турларига электровоз ва тепловозлар киради.

Узлуксиз ва хавфсиз ташиш жараёнини таъминлаш мақсадида, жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобига, шунингдек халқаро молия институтларининг кредит маблағларини жалб қилган ҳолда, ҳаракатланувчи таркибни янгилаш ва модернизациялаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади.

Локомотивлардан фойдаланиш бошқармаси жамиятнинг муҳим бўлинмаларидан бири ҳисобланиб, унинг ихтиёрида тортиш кучи – қудратли тепловозлар ва электровозлар

парки мавжуд бўлиб, у барча турдаги юқ, йўловчилар ва шаҳар атрофидаги ташиш ишларини, манёврлаш ишларини таъминлайди (1-жадвал).

1-жадвал – Локомотивлар эксплуатация парки

№	Локомотив тури	Эксплуатация парки 2020 й.	Эксплуатация парки 2021 й. (прогноз)
1	Магистрал электровозлар	109	117
2	Магистрал тепловозлар	94	88
3	Электросекциялар	18	18
4	Маневр локомотивлари (ТЭМ2 и ЧМЭ3)	173	174
ЖАМИ		394	397

Локомотив – асосий транспорт бўлиб, усиз ташиш жараёнини амалга ошириб бўлмайди. «ЎТЙ» АЖ ривожлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида локомотивлар паркини модернизациялаш, янгилаш ва тўлдириш қабул қилинган.

Жамиятнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида саккизта депода локомотивларни ва МВХТ техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш бўйича таъмирлаш-оғоҳлантириш тизими амалга оширилмоқда, «Ўзтемириулемаштамир» УК заводида эса локомотивларни мукаммал таъмирлаш ва уларнинг хизмат муддатини узайтирган ҳолда тиклаш ишлари бажарилмоқда.

2020 йилда КР-1, КР-2 турдаги таъмир турлари бўйича 67 локомотив секциялари мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш кутилмоқда.

2021 йилда эса ушбу турдаги таъмир турлари бўйича 64 локомотив секциялари мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш назарда тутилган.

2020 йил жами 36 локомотив секциялари бўйича қайта тиклаш таъмири кутилмоқда. 2021 йилда ҳам ушбу таъмир тури бўйича 35 локомотив секцияларини таъмирлаш режалаштирилмоқда.

2020 йилда Россия Федерациясининг “Новочеркаск электр локомотив заводи” томонидан ишлаб чиқарилган ЗЭС5К сериясидаги юқ ташувчи 5 та электровоз локомотивлари сотиб олинди.

2020-2021 йилларда “Далиан локомотив қурилиш заводи” (ХХР) томонидан ишлаб чиқарилган 8 та юқ ва йўловчи, 22 та юқ электровозларини сотиб олиш режалаштирилган. Улардан 2020 йилда 3 та юқ-йўловчи ва 7 та юқ ташувчи электровозлари келиши кутилмоқда.

3.2. ВАГОНЛАР

3.2.1. Юқ вагонлари

Турли мақсадлар учун белгиланган вагонларни – темир йўлнинг ҳаракатланувчи таркиби муҳим қисмларидан бири саналувчи вагонлар парки ташкил этади. Турли типлардаги вагонлардан юклар ва йўловчилар ташишда фойдаланилади.

Юк вагони – қўйидаги типларга: ёпиқ вагонлар, платформалар, цистерналар, полувагонлар ва бошқаларга таснифланадиган ҳаракатланувчи таркибнинг бирлиги саналади. «ЎТЙ» АЖ ташиш жараёнини амалга ошириш учун, изотермик вагонларни ҳисобга олган ҳолда 22 263 миқдоридаги юк вагонлари паркига эга.

Юк вагонлари паркига кенг номенклатурадига юкларни ташувчи универсал вагонлар, ва фақат биргина турдаги юкни ташиш учун ихтисослаштирилган вагонлар киради.

Универсал вагонларга кузовининг ён деворларида эшикларга ва қопқоғида юк ортиш люкларига эга бўлган очиқ вагонлар, сочилувчан юкларни бўшатиш учун полда бўшатиш люкларига ва икки табақали эшикларга эга бўлган полувагонлар; платформалар; турли диаметрли қозонли умумий фойдаланувдаги цистерналар; изотермик вагонлар киради.

Ихтисослаштирилган юк вагонларига чорва моллари, енгил автомобиллар, совуқ катанкаланган пўлат, ун, цемент, дон ва минерал ўғитлар ташиш учун ёпиқ вагон-хопперлар; қиздирилган бўлаклар ва музлаган коксни ташиш учун очиқ вагон-хопперлар; контейнерлар, енгил автомобиллар, узунлиги 25 метрли рельсларни ташиш учун платформалар; қовушқоқ юклаш, сут, спирт, вино маҳсулотлари, кислоталар, юқори босим остидаги суюлтирилган газлар, цемент, кальцинацияланган сода, лой тупроқ ташиш ва бошқа юкларни ташиш учун цистерналар киради. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган юк вагонларига шунингдек саноат транспорти вагонлари ва транспортёрлари киради.

Республика саноати ва аҳолисининг юкларни ташишга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ ва сифатли қондириш, юкларнинг сақланиши ва ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш учун, ташиш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга.


Юкларни тонналарда жўнатиш (юклаш) бўйича ишлар ҳажми юк жўнатувчиларнинг буюртмалари асосида белгиланади.

Юкларни жўнатиш ҳажмлари динамикаси 2-жадвалда келтирилган.


2-жадвал – Юкларни жўнатиш

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й. (кутилаётган)	2021 й. (режа)
Юкларни жўнатиш, (млн. тонна)	68,2	70,14	70,65	72,0
Ўсиш суръати, %	100,1	102,8	100,7	101,9

млн. тонна



2021 йил учун юк жўнатиш прогнози



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2021 йилларда ички ва ташки бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, Жамият заводларида («Қўйма-механика заводи» ШК – ёпиқ ва полуувагонлар; «Андижон механика заводи» ШК- нефт маҳсулотларини ташиш учун ёпиқ вагонлар ва цистерналар) янги юк вагонларини қуриш йўли билан ҳаракатланувчи таркибни янгилаш ишлари давом этирилмоқда. Жамият заводларида 2020 йилда 1200 юк вагонлари қурилиши (тайёрланиши) назарда тутилган (4-жадвал).

4 жадвал – Юк ташувчи вагонларни қурилиши
(дона)

№	Номи	2020 й.	2021 й.
1	Ёпиқ вагонлар	44	-
2	Полувагонлар	550	200
3	Нефт маҳсулотларини ташиш учун цистерна вагон	50	
4	Суюлтирилган газ ташиш учун цистерна вагон		
5	Цемент ташувчи хоппер вагон	105	200
6	Минераллар ташувчи хоппер вагон	51	50
7	Саноат корхоналари учун цистерналар	200	
8	Катта ҳажмли контейнерларни ташиш учун платформалар		200
9	Катта ҳажмли контейнерларни ташиш учун платформалар (экспорт)	200	
ЖАМИ		1 200	650

3.2.3. Йўловчи вагонлар

Йўловчи вагони – бу йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган ҳаракатланувчи таркиб бирлиги. Йўловчи вагони – йўловчилар вагонлар паркининг асосий қисми бўлиб, унинг таркибига шунингдек йўловчиалар паркининг ёрдамчи вагонлари: вагон-ресторанлар, багаж вагонлари, почта вагонлари ҳам киради.

Йўловчиларни ташиш йўлининг олислигига қараб, йўловчи вагонлар қўйидаги турларга бўлинади:

– катта (500–700 км ва юқори) масофаларга йўловчилар ташиш учун мўлжалланган олисга юрувчи вагонлар. Бундай вагонлар купели ёки плацкарт бўлади. Улар ўтириш ёки ётиш учун қаттиқ ёки юмшоқ диванлар билан жиҳозланган бўлади. Ушбу аломати бўйича тегишинча қаттиқ ёки юмшоқ деб аталади.

– нисбатан қисқа вақт ичida қисқароқ (200–700 км) масофаларга, кўпинча кундузги вақтда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган маҳаллий қатнов йўли.

– вагон-ресторанлар ва вагон-барлар йўловчиларни қатнов йўлида овқатланишларини ташкил этиш учун мўлжалланган. Бундай вагонлар залга, ошхонага, омборхонага, маҳсулотларни сақлаш учун музлатиш камераларига, хизмат кўрсатувчи ходимлар учун купе ва бошқаларга эга.

– почта вагонлари почта юкларини ташиш учун хизмат қилади. Ушбу вагонлар почта операциялари учун залга ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хонадан иборат.

– багаж вагонлари йўловчи поездларда багаж ташиш учун мўлжалланган. Улар ортиш-бўшатиш механизмларига эга бўлган омборларга ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хонадан иборат.

Йўловчилар паркида шунингдек почта-багаж вагонлари мавжуд бўлиб, улардан камроқ йўловчилар ташучви темир йўллар линияларида фойдаланилади.

Умумий мақсадлар учун мўлжалланган йўловчилар вагонларига вагонлабораториялар, вагон-клублар, хизмат, санитария хоналари ва ҳ.к. киради. Ушбу вагонлар илмий-экспериментал, маданий-маърифий ва ўқув тадбирларини, шифокорлик-санитария эҳтиёжлари, темир йўл транспорти барча соҳаларининг линиявий бўлинмалар ишларини текшириш ва назорат қилиб бориш ва бошқа вазифаларни бажариш учун хизмат қилади.

5-жадвал – Эксплуатация қилинаётган йўловчи вагонлар парки

№	Класс/тур/модел	Сони, доналаб	Ишлаб чиқарилган йил
1	1 класс: Юмшок	46	1979-2014
2	2 класс: Купели	209	1978-2020
3	3 класс: Плацкартали	373	1977-2020
4	4 класс: Вилоятлараро	88	1979-2020
5	Бошқа турдаги вагонлар (юқ ташувчи, хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган)	51	1976-2019
6	Вагон-ресторанлар	28	1984-2019
ЖАМИ		795	

«О’зтемиро’ло’ловчи» АЖ бўйича 2021 йилда жами 468 та вагон таъмирланиши кутулмоқда. Капитал таъмир -194 та вагон, депо таъмири бўйича -274 та йўловчи вагонлардан иборат.

Ҳар ҳафта Республиkanинг темир йўл вокзалларидан 97 жуфт йўловчилар поездлари ҳаракатланади. Асосий йўналишлар ҳар куни қатновчи юқор тезлиқдаги Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Бухоро, Ташкент – Карши йўналишлари бўйича қатновчи «Афросиёб» поезди, шунингдек Тошкент – Термиз, Тошкент – Хива, Тошкент – Шовот, Қумқўрғон – Сариосиё, Тошкент-Бухоро, Тошкент – Қўнғирот, Қўнғирот – Қорақалпоқ (Каракалпакия), Тошкент – Андижон, Андижон-Бухоро, Андижон-Хива, Андижон-Термиз, йўналишлари бўйича қатнайдиган поездлар ҳисобланади.

60 фоизга яқин шаҳар атрофи ташувлари Тошкент минтақасида: Тошкент – Хўжакент (кунига 4 марта), Тошкент – Ховос (кунига 2 марта), Тошкент – Гулистон (кунига 1 марта), Тошкент-Сирдарё (кунига 1 марта), Тошкент-Бекобод (кунига 1 марта), Тошкент-Ангрен (кунига 1 марта) йўналишлари бўйича амалга оширилади. Бундан ташқари, Қарши-Китоб, Қарши-Бухоро, Термиз-Сариосиё, Термез-Дарбанд, Термез-Болдири Урганч-Питняк, Нукус-Кирқиз, Навоий-Бузоқбой йўналишлари бўйича шаҳар атрофи қатновлари амалга оширилади.

Давлатлараро йўналишдаги йўловчи поездлар харакати мамлакатимизда COVID-19 короновирус пандемияси давридаги карантин чекловлари натижасида 2020 йил 16-март кунидан бошлаб тўхтатилган. Пандемия давридан олдин яъни январ февраль ойларида ҳар ҳафта Тошкент - Москва – ҳафтасига 1 марта, Андикон-Москва- ҳафтасига 1 марта, Тошкент - Уфа-ҳафтасига 1 марта, Тошкент - Саратов – ҳафтасига 1 марта, Тошкент - Новосибирск – ҳафтасига 2 марта, Тошкент – Волгоград – ҳафтасига 2 марта, Андикон – Уфа ҳафтасига 1 марта, Мискен-Бейнеу- ҳар куни йўналишлари бўйича 19 жуфт йўловчилар поездлари қатнади.

Йўловчи вагонлар паркини янгилаш мақсадида 2020 йилнинг охиригача 30 та янги вагонлар сотиб олиш йўли билан вагонлар паркини катталаштириш кутилмоқда (6-жадвал).

6-жадвал – Йўловчи вагонларнig қурилиши

№	Вагонлар тури	2020 йилда кутилаётган	2021 йилга прогноз
1	СВ (юқори қулайликдаги вагон)	2	2
2	Купели	7	7
3	Плацкартали	16	16
4	Вилоятлараро	2	2
5	Ресторан вагон	2	2
6	Бошка турдаги вагонлар	1	1
ЖАМИ		30	30

4. Ҳаракат таркибни таъмирлаш

Юк вагонларининг техник ҳолатини тиклаш мақсадида берилган даврийлик бўйича ҳаракатланувчи таркибни режали таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилади, таъмирлаш ишлари республиканинг барча минтақаларида жойлашган локомотив ва вагонлар деполари, заводлар томонидан амалга оширилади:

1. Локомотив деполар (8 та)
2. «Ўзтемирийулмаштаъмир» УК
3. Вагон деполари:
 - Вагон деполари (6 та)
 - «Ўзвагонтаъмир» АЖ вагон деполари (3 та)
4. «Қуюв-механика заводи» ШК
5. «Андижон механика заводи» ШК.

Жамиятнинг юк вагонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ва ташувларнинг ортиб бораётган ҳажмларига эҳтиёжларини қондириш мақсадларида, терминалларда юклаш-бўшатиш ишлари вақтини қисқартириш ва вагонларнинг

таъмирлашда турган вақтини қисқартириш ва таъмирда вагонларнинг туриш вақтини пасайтириш назарда тутилган.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ вагонлар паркининг соз ҳолатда сақланиши учун вагонларни таъмирлаш корхоналарида режали турдаги таъмирлаш ишларини, айнан хизмат кўрсатиш муддатини 5 йилга узайтирган ҳолда мукаммал таъмирлаш ишларини олиб боради.

7 жадвал. Вагонлар депоси томонидан амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари тури

Вагонлар депоси	Таъмир турлари			
	Депо таъмири (ДТ)	Капитал таъмир (КТ)	Хизмат муддати узайтирилган капитал таъмир (УКР)	Эксплуатацион фаолият
Вагонлар хўжалиги бошқармаси				
Тошкент	+	+	+	+
Бухоро	+	+	+	+
Қарши	+	+	+	+
Қуқон	+	+	+	+
Қўнғирот	+	+	-	+
Термиз	+	-	-	+
АЖ «Ўзвагонтаъмир»				
Ховос	+	+	+	-
Андижон	+	+	+	-
Самарқанд	+	+	+	-
Жамият заводлари				
«Қуюв механика заводи» ШК	+	+	+	-
«Андижон механика заводи» ШК	+	+	+	-

Юк ва йўловчилар вагонларига техник хизмат кўрсатиш Техник хизмат кўрсатиш масканлари (ТХМ) томонидан, вагонларни юклаш учун, рейсга тайёрлаш, тегишли масканларда поездларни синаш, вагон депосининг кафолатланган участкаларида хавфсиз кузатишни таъминлаш орқали амалга оширилади.

2020 йилнинг охиригача 2455та юк вагонларининг хизмат кўрсатиш муддатини узайтирган ҳолда мукаммал-тиклиш таъмирлаш ва модернизациялаш ишларини амалга ошириш кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги Фармонига асосан соҳанинг ривожланиш концепциясида 2021 йилда 1445 юк вагонларининг хизмат кўрсатиш муддатини узайтирган ҳолда мукаммал-тиклиш, таъмирлаш ва модернизация қилиш ишлари режалаштирилган.

8 жадвал. – «УТИ» АЖ нинг инвентар ҳаракат таркибининг ёш таркиби

Тур	10 йилгача	10дан 20 йилгача	20дан 30 йилгача	30 йилдан ошган	Жаъми
Электровозлар	44	12	30	30	116
Тепловозлар	45	7	9	99	160
Манёвр локомотивлар	-	-	12	185	197
Жаъми локомотивлар	89	19	51	314	473

9-жадвалда локомотив деполар томонидан амалга ошириладиган таъмирлаш ишларининг турлари тақдим этилган.

9 жадвал. – Локомотивлар депоси томонидан амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари тури

Локомотив деполар ва завод	«УТИ» АЖ «УТИ» томонидан амалга ошириладиган локомотивларнинг таъмир ва техник хизмати турлари								
	Техник хизмат кўрсатиш			Жорий таъмир			Капитал таъмир		
	ТО-2	ТО-3	ТО-4	ТР-1	ТР-1р	ТР-3	КР-1	КР-2	КРП
ТЧ-1 Ўзбекистон	+	+	+	+	+	+	+	+	-
ТЧ-2 Қўқон	+	+	+	+	+	+	-	-	-
ТЧ-2 Андижон	+	+	+	+	+	+	+	+	-
ТЧ-5 Тинчлик	+	+	+	+	+	+	+	-	-
ТЧ-6 Бухоро	+	+	+	+	+	+	-	-	-
ТЧ-7 Қўнғирот	+	+	+	+	+	-	-	-	-
ТЧ-8 Қарши	+	+	+	+	+	+	+	-	-
ТЧ-9 Термиз	+	+	+	+	+	+	-	-	-
ТЧ-10 Урганч	+	+	+	+	+	-	-	-	-
УП «Ўзтемирийўл- маштаъмир»	-	-	-	-	-	+	+	+	+

Изоҳ: + кўрсатиладиган хизматлар (ишлар), - кўрсатилмайдиган хизматлар.

2020 йил охирига келиб, локомотив секцияларини хизмат муддатини узайтириш ва капитал таъмирлаш бўйича 36 локомотив секцияларини таъмирлаш кутилмоқда.

5. ЙЎЛ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ

Йўл хўжалиги – темир йўл транспорт фаолиятини узлуксизлигини таъминлаб беришда асосий ва ўзига хос муҳим хўжалик хисобланади. Унинг таркибида темир йўллар, ер қопламаси, сунъий иншоатлар, ишлаб чиқариш объектлари, темир йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи, қурилма иншоатлари ва йўлларни жорий холатда сақланишини таъминлаш ва таъмирлаш техник хизмат кўрсатиш воситалари мавжуд.

Йўл хўжалиги бошқармасининг асосий вазифаси темир йўллар ва унинг атрофидаги сунъий иншоат ва қурилмаларининг ҳолатини яхши сақлаш, ўрнатилган тезлиқда поездлар ҳаракатини хавфсиз ҳамда узлуксиз бўлишини таъминлаш. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун бошқарма томонидан тизимли текширувлар ҳамда назорат олиб борилади. Бунда юзага келган носозликлар, амалга оширилмаган вазифалар сабаблари ўрганилади ва уларни тўғирлаш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёт тизимиға ўтиш темир йўлларнинг юқори талабларга жавоб берishiда ҳамда уларни яхши ҳолатда сақланишида техника ва механизмлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратди. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига 2000-йилдан бошлаб янги темир йўлларни қуриш, таъмирлаш ва соз ҳолатда сақлашга техникаларнинг янги моделларини жалб қилиш бошланди. Улар юқори самарадорликка эга бўлган австриянинг «Плассер ва Тойрер» фирмасининг RM-80 русумли шағал (балласт) тозаловчи, «Дуоматик» 08-32 русумли темирийўл панжарасини кўтариш, суриш ва йўлни теккислаш учун, SSP-110 русумли шағал (балластни) тақсимловчи, ДГС-62 русумли йўлларни динамик стабиллаштирувчи, АРТ-500 русумли релсларни пайвандловчи, ЕМ-120 русумли йўл ҳолатини текширувчи машиналари, «Жейсмар» фирмасининг шпалларни алмаштирувчи машиналари, юк кўтариш дрезиналари ва бошқа турли йўл таъмирлаш ишларни бажарувчи машина ва ўскуналар.

Йўл машина-механизмларининг янги авлодларидан фойдаланиш йўл хўжалигига темир йўлларни тубдан таъмирлаш ҳамда реабилитация ишларнинг самарадорлигини оширади. Бу машина ва механизмлар янги темир йўлларни қуриш ва уларни жорей сақлаш, таъмирлаш ишларида ҳам фойдаланилади. Уларнинг барчаси ўзи юришига мўлжалланган бўлиб, уларга тепловозлар ёки электровозларнинг тортувчи кучи зарур эмас.

Бошқарма янги темир йўлларни, разъездларни ва бошка иншоатларни қурилишида фаол иштирок этиб келмоқда.

Сўнгги уч йил мобайнида йўл хўжалиги бошқармаси бир қатор лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этди. Шунга кўра:

2018 йилда Бухоро-Мискен йўналишида узунлиги 357,3 км ҳамда узунлиги 33.8 км Ургенч-Хива янги темир йўллари қурилиб фойдаланишга топширилди. Қарши-Китаб йўналишидаги 124 км темир йўллари электрлаштирилди. Қандим ГҶ ва Шеробод цемент заводларига шаҳобча йўллар қурилди.

2019 йилда Тошкент шахрида айланма йул усти метрополитен линиясининг 1 босқич ва Юнусобод метрополитен ер ости линияси қурилиш ишлари бошланиб 2020 йил якун топиб фойдаланишга топширилди.

Тошкент металлургия заводи худудига шаҳобча йўли қурилиш ишлари бошланди.

2019 - 2020 йиллар давомида Поп-Наманган-Андижан темир йўл қисмини электрлаштириш ва Андижон-Савай-Хонобод темир йўл қисмини модернизация қилиш ишлари бажарилди.

2020 йилда Тошкент шахрида Сирғали айланма йул усти метрополитен линияси қурилиш ишлари бошланди.

2020 йил охиригача 180 реабилитация қилиш, 100км улоқсиз темир йўл изларини ётқизиш, 185 км йўлни ўрта ва 182 км йўлни кўтарма таъмирлаш, 250 комплект стрелкали

ўтказгични алмаштириш, 250 комплект брусли ўтказгични алмаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Йўл хўжалиги бошкармасининг тизимида Йўл машина станциялари (ЙМС), Ихота дарахтларини ўтказиш ва қўриқлаш масофаси, Йўл хизмат устахонаси ва Кўприк қурилиш поезди корхоналари бор. Уларнинг асосий вазифаси темир йўлларни қуриш, тубдан ва ўрта таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қум ва қор кўчкунларидан химоялаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, қурилиш машиналар, йўл машиналар ва ускуналарни тубдан таъмирлаш.

Йўл хўжалиги бошқармаси томонидан 2021 йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар қўйидагилар:

№	Қилиниши режалаштирилаётган ишлар	Бажарувчи
1	Темир йўлни реабилитация килиш (180 км), улоқсиз йўлларни ётқизиш (100 км), янги темир йўлларни қуриш, Тошкент шахрида Сирғали айланма йул усти метрополитен линияси қуриш	Йўл машина станциялари ЙМС 203-Тошкент, ЙМС-17-Бухоро, ЙМС-164 Кўкон, ЙМС-166 - Хайробод, ЙМС-214-Қарши, ЙМС-279 - Қунғирот
2	A) Темир йўлларни, кесишмаларни, сунъий иншоотларни жорий таъмирлаш; Б) Темир йўлларни ўрта (170 км) ва кўтарма (160 км) таъмирлаш; В) Стрелкали ўтказгичлар ва брусларини алмаштириш - 250 комплект; Г) Стрелка ўтказгич брусларини алмаштириш - 250 комплект.	Темир йўл масофаси (18 корхона), Кўприк қурилиш поезди
3	Йўл машиналар, қурилиш машиналар ва ускуналарни таъмирлаш.	Йўл хизмат устахонаси
4	Темир йўлларни жорий таркиб, қум ва қор кўчкунларидан химоялаш ва уларни таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	Ихота дарахтларини ўтказиш ва қўриқлаш масофаси (ПЧЛ)
5.	Темир йўл ишларини механизациялаштириш, бошқарма таркибидаги корхоналарни йўқори жорий таркибидаги жихозлар ва ускуналар билан таъминлаш	Йўл хўжалиги бошкармаси
6	Сунъий иншоотларни тубдан таъмирлаш, темир кўприклар курилмаларини алмаштириш	Йўл хўжалиги бошкармаси

6. ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ, СИГНАЛИЗАЦИЯ ВА АЛОҚА ХЎЖАЛИГИ

6.1. Электр таъминоти

Электр таминоти бошқармаси «ЎТӢ» АЖ нинг таркибий бўлинмаларидан бири ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси поездлар тягасини, сигнализация, марказлаштириш ва блокировка қурилмаларини, шунингдек, ташув жараёни истеъмолчиларни ва транспорт инфратузилмасини узлуксиз электр таминотидан иборатdir. Электр таминоти тизимиға тяга ва трансформатор подстанциялари, контакт тармоғи, автоблокировка таминот пунктлари, юқори вольтли ва паст вольтли кабелли ва ҳаво электр узатиш линиялари ва бошқалар киради.

Темир йўл участкаларини электрлаштириш дизелли тягага нисбатан электр тяганинг самарадорлигини туфайли устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Темир йўл участкаларини электрлаштириш «ЎТӢ» АЖ учун устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Темир йўлни электрлаштириш – амалдаги ва янги қуриладиган темир йўлларни поездлар тягаси учун электр энергияси ишлатилишини тамиловчи қурилмалар комплекси билан жиҳозлашдир. Электрлаштириш чоғида тяга подстанцияларини қуриш ва тяга тармоғини барпо этиш амалга оширилади. Бир пайтнинг ўзида автоблокировка, сигнализация, алоқа линиялари, электр марказлаштириш ва ш.к. монтаж қилиниши амалга оширилади.

Электр тягасини жорий қилиш ташув жараёнлари тезлашувига олиб келади. Электр тяга темир йўл линияларининг ташув ва ўтказиш қобилиятини 2-2,5 баравар оширишга имкон беради. Электр локомотивлар қувват бўйича деярли чекловларга эга эмас, чунки марказлашган тарзда тамилланадилар ва узоқ вақт ортиқча юкламани кўтаришга қодир. Поезднинг рекуператив тормозлашида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тармоққа қайтириш электр локомотивларнинг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Экологик омил электр тяганинг устунликларидан биридир: атроф-муҳитни ёниш маҳсулотлари билан ифлосланиши истисно қилинади. Темир йўлни электрлаштириш йўлнинг эксплуатация ишини сифат жиҳатдан ўзгартиради, темир йўлчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини, йўловчиларга хизмат кўрсатилишини яхшилайди (шовқин камаяди, ҳаракат тезлиги ортади, сафар чоғида қулайлик даражаси ошади ва ш.к.).

Ўзбекистон темир йўлларини электрлаштириш 1971 йилда доимий тоқда бошланган эди. 1983 йилга келиб бир пайтнинг ўзида Тошкент-Ҳовос ва Тошкент-Хожикент участкаларида поездлар тягасини доимийдан ўзгарувчан токка ўтказиш амалга оширилди.

Ҳозирги кунга келиб темир йўлларни электрлаштиришда йирик лойиҳалар амалга оширилди.

2018 йилда:

Поп-Наманган-Андижон участкаларини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди;

Урганч-Хива участкасини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланди;

Қарши-Китоб электрлаштирилган участкаси фойдаланишга киритилди.

Поп-Қўқон-Андижон участкаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари электрлаштиришнинг II босқичи жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

2019 йилда:

Поп-Наманган-Андижон участкаларини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди;

Поп-Наманган-Қўқон-Андижон электрлаштирилган участкаси фойдаланишга топширилди.

Поп-Қўқон-Андижон участкаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари электрлаштиришнинг II босқичи жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш ишлари давом этди.

Бухоро-Мискин темир йўл линияси қурилиши лойиҳаси бўйича II босқич қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

2020 йилда:

Поп-Наманган-Андижон участкасини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди;

Поп-Қўқон-Андижон участкасини қурилиш-монтаж ишлари электрлаштиришнинг II босқичи жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди;

Мароканд-Навоий юк ташиш йўлагини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

2021 йилда қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

Поп - Наманган - Андижон участкасини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишларини якунлаш;

Поп – Қўқон - Андижон участкасини электрлаштиришнинг II босқичи жамият ўз маблағлари ҳисобидан қурилиш-монтаж ишларини якунлаш;

Мароканд - Навоий участкасининг юк ташиш йўлагини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишларини давом эттириш;

Навоий - Бухоро 2-электрлаштирилган тезюорар йўл лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари бошланади;

Бухоро - Урганч - Хива темир йўл участкасини электрлаштириш бўйича қурилиш-монтаж ишлари бошланади.

6.2. Сигнализация ва алоқа бошқармаси

Сигнализация ва алоқа бошқармаси «ЎТӢ» АЖ нинг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, ҳаракат хавфсизлигини сўzsиз тамиnlаган ҳолда сигнализация ва алоқанинг барча техникавий восита ва қурилмаларининг созлигини тамиnlайди.

Темир йўл участкаларида поездлар ҳаракати хавфсизлигини тамиnlаш автоматик блокировка, станцияларда стрелка ва сигналларни автоматик бошқариш, диспетчерлик марказлаштириш билан тамиnlанади. Автоматик блокировка тизими поездни бошқа поезд банд қилган ёки ҳудудида рельсларнинг бутлиги бузилган участкага киришини олдини олиш (блокировка қилиш) учун мўлжалланган. Яримавтоматик блокировка тизимлари поездларни станциялар оралиғидаги перегонга чиқиб кетишини олдини олиш (блокировка қилиш) учун мўлжалланган. Станцияларда стрелка ва сигналларни автоматик бошқаришнинг асосий мақсади станциялар ҳудудида муайян кесиб ўтилмайдиган йўналишлар бўйлаб поездлар ҳаракати учун шароит яратишдир. Диспетчерлик

марказлаштириш тизимларининг ишидан мақсад перегон ва станциялар бўйлаб поездларни шу тарзда ўтиш тартибини таминалашди.

Жамиятнинг сигнализация ва алоқа бошқармаси сифат ва ишончлиликнинг талаб этиладиган стандартларига мувофиқ автоматика, телемеханика ва алоқа қурилмаларини техникавий эксплуатациясини таминалайди. Жамиятда мавжуд сигнализация, марказлаштириш ва блокировка тизимини модернизациялаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Микропроцессорли марказлаштиришнинг юқори технологик (МПЦ туридаги) тизимларини жорий қилиш стрелкали ўтказгичлар ва сиглан қурилмаларини бошқариш билан бир қаторда барча узелларнинг ишини диагностика қилиш, шунингдек, операторлар ёки станция навбатчиларининг ҳаракатларини назорат қилиш имконини беради.

Реал вақт режимида поездлар вазиятини ҳамда станция ва перегонларда ўқларни ҳисоблашнинг электрон (ЭССО турдаги) тизимини назорат қилишга имкон берадиган микропроцессорли диспетчерлик марказлаштириш қурилмаларни жорий қилиш поездлар ҳаракат хавфсизлигини ишончли таминалашга имкон беради.

Хозирги пайтда «ўТӢ» АЖ ни сигнализация ва алоқа қурилмалари билан техникавий жиҳозланиши қўйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- 193 станция стрелкали ўтказгичлар ва сигналларни электр марказлаштириш қурилмалари билан жиҳозланган;
- 42 станция стрелкали ўтказгичлар ва сигналларнинг микропроцессорли электр марказлаштириш қурилмалари билан жиҳозланган;
- 24 станция калитли боғланиш қурилмалари билан жиҳозланган;
- йўлнинг 1302,2 км перегонларни автоблокировка қурилмалари билан жиҳозланган;
- 3 396,6 км йўл яrimавтоматик блокировка билан жиҳозланган, шундан 1161,181 км дан кўпроғи микропроцессорли яrimавтоматик блокировка қурилмалари билан жиҳозланган;
- 2 188,5 км йўл диспетчерлик марказлаштириш қурилмалари билан жиҳозланган.

2021 йилда электрлаширилаётган Поп-Наманган-Андижон, Бухро-Урганч-Хива Андижон-Хонобод участкаларида мавжуд яrimавтоматик блокировка, автоматик блокировка ва электр марказлаштириш қурилмаларини МПЦ микропроцессорли марказлаштириш, МПБ микропроцессорли блокировкалаш ва ўқларни электрон ҳисоблаш қурилмалари билан жиҳозлаш, шунингдек Шовот-Гурлан-Жумуртау-Қойбокли (Қораўзак) янги темир йўл линияси қурилишини СМБ ва алоқа қурилмалари билан жиҳозлаш ишлари режалаштирилган.

Барча турдаги алоқани, шунингдек, диспетчерлик марказлаштириш қурилмалари ишини таминалаш учун ҳаво ва кабелли алоқа линиялари ишлатилади.

Телекоммуникация тармоғи қўйидагилар учун мўлжалланган:

- поездларнинг хавфсиз ва самарали ҳаракатини таминалаш учун поезд машинистлари ва диспетчерлик аппарати ўртасида ахборотни узатиш;
- самарали тижорат операцияларини таминалаш ҳамда мижозларга кўрсатиладиган хизмат сифатини ошириш мақсадида станциялар ўртасида маълумот узатиш;
- қўшни темир йўллар ўртасида самарали алоқани таминалаш.

Ҳозирги пайтда «ЎТЙ» АЖ тизимида 2 293 км магистрал оптик-толалик алоқа линиялари (ОТАЛ) қурилиб, фойдаланишга киритилган, шу жумладан участкалар бўйича Келес-Бухоро (668 км), Хаваст-Бекабад (35 км), Мароқанд-Қарши (147 км), Тошғузор-Бойсун-Қумқурғон (232 км), Қумқурғон-Термиз (101 км), Термиз-Сурхонобод (82 км), Термиз-Галаба-Досмотровая-Амузанг (58 км), Сариасия-Қудуқли (8 км), Тўқимачи-Ангрен (117 км), Ангрен-Поп-Қўқон (180 км), Қўқон-Андижон (144 км), Карши-Китоб (131 км), Бухоро-Мискен-Ургенч-Хива (390 км).

Келес-Бухоро, Мароқанд-Қарши, Қарши-Қумқурғон участкаларида SDH технологияси асосидаги узатиш тизимлари ўрнатилган. Юқори сатҳи Keymile UMX-1500 аппаратураси базасида STM-4. Ангрен-Поп-Қўқон-Андижон участкаларида МО русумидаги оптик мультиплексорлар, СГМ ўзгарувчан мультиплексорлар тизими асосида маълумот узатиш тизимлари ўрнатилган. Қизилқудуқ-Қораўзак ва Урганч-Мискин участкаларида IP Fone MCL, РИССА маълумот узатиш рақамли тизимлари ишлаб турибди.

2020 йилда Ғузор-Китоб, Бухоро-Мискин электрлаштириш участкаларида тола-оптик линияларини модернизациялаш ишлари амалга оширилди.

2021 йилда Поп-Наманган-Андижон, Бухоро-Мискин-Урганч-Хива, Андижон-Хонобод электрлаштириш участкаларида шунингдек Шовот-Гурлан-Жумуртау-Қойбокли (Қораўзак) темир йўл линияси оптик-толалик алоқа линияларини қуриш ва модернизациялаш назарда тутилган.

Энг замонавий ускуналар базасида ОТАЛни жорий қилиш магистрал ва тезкор-технологик алоқа ташкил этилишини тубдан ўзgartериш, маълумотларни узатиш каналларини юзлаб баравар кўпайтиришга имкон беради.

7. ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Халқаро темир йўл ташкилотлари давлатларнинг темир йўл маъмуриятларининг ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигини таминлашда, йўловчилар ва юкларни ташувида келишилган шарт-шароитларни ишлаб чиқишида, ҳаракат таркиби ва контейнерлардан фойдаланиш, халқаро қатновда ташув ишларини амалга ошириш, техникавий сиёсатни олиб бориш ҳамда иш тажрибасини алмашишда муҳим роль ўйнайди. «ЎТЙ» АЖ бир нечта халқаро темир йўл ташкилотларига аъзо ҳисобланади.

ОСЖД – Софияда (Болгария Республикаси) 1956 йил 28 июнда вазирлар мажлисида тузилган халқаро ташкилот. 27 та мамлакатнинг темир йўл транспортини ОСЖДга аъзо ҳисобланади. «ЎТЙ» АЖ 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб темир йўллар ҳамкорлик ташкилотининг аъзоси ҳисобланади.

Халқаро шартнома тусига эга ОСЖД тўғрисидаги Низом ОСЖДнинг мавжудлиги ва фаолиятига асос ҳисобланади. ОСЖД тўғрисидаги Низомга мувофиқ ОСЖД ишида иштирок этишнинг бошқа шакллари ҳам мавжуд, жумладан, вазирлик ёки темир йўллар учун кузатувчи сифатида ҳамда бевосита темир йўллар фаолияти билан боғлиқ фирма ва ташкилотлар учун қўшилган корхона сифатида.

ОСЖД тўғрисидаги Низомда фаолиятнинг қуйидаги йўналишлари белгиланган:

- халқаро, даставвал Европа ва Осиё ўртасидаги қатновда, жумладан, комбинацияланган ташувда халқаро темир йўл ташувларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- халқаро темир йўл ташувлари соҳасида келишилган транспорт сиёсатини шакллантириш, темир йўл транспортини фаолият стратегиясини ва ОСЖД фаолиятининг стратегиясини шакллантириш;

• халқаро транспорт ҳуқуқини (МТП) такомиллаштириш, Халқаро йўловчи қатнови тўғрисидаги Келишув (СМПС), Халқаро темир йўл юк ташувлари тўғрисидаги келишув (СМГС) ҳамда халқаро темир йўл ташувлари билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича иш олиб бориш;

- темир йўл транспортининг иқтисодий, ахборот, илмий-техникавий ва экологик жиҳатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳамкорлик қилиш;

- транспорт бошқа турларига нисбатан темир йўл транспортининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш;

- темир йўллардан фойдаланиш ҳамда халқаро темир йўл ташувларини янада ривожлантириш билан боғлиқ бошқа техникавий масалаларда ҳамкорлик қилиш;

- темир йўл транспорт масалалари, жумладан, комбинацияланган ташувлар билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик.

«ЎТӢ» АЖ аъзо ҳисобланган бошқа бир халқаро темир йўл ташкилоти Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгashiдир.

Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгashi ва унинг ижроия органи Кенгаш Дирекцияси Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасида барқарор иқтисодий алоқаларни тамиллаш мақсадида МДҲ иштирокчи давлатлар ҳукуматларининг бошликлари келишуви билан 1992 йилнинг 14 февраляда тузилган эди. Кенгашнинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- давлатаро даражада темир йўл транспорти ишини мувофиқлаштириш ҳамда уни фаолиятининг келишилган тамойилларини ишлаб чиқиш;

- юк вагонлари ва контейнерларини биргаликда эксплуатация қилинишини ташкиллаштириш.

Кенгаш темир йўлларнинг эксплуатация фаолияти, юк вагонлари ва контейнерлардан биргаликда фойдаланиш ва уларни техник сақлаш, йўловчи ва юкларни ташиш шарт-шароитлари, халқаро қатновда поездлар ҳаракати хавфсизлигини тамиллаш, бажарилган ишлар учун ҳисоб ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимини ишлаб чиқиш, илмий-техникавий ҳамкорлик масаллари ва бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қиласи.

Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш темир йўлларнинг технологик яхлитлигини тамиллашга биринчи даражали эътибор қаратади. Ҳар йили халқаро қатновда поездлар ҳаракати жадвали ва уларни тузиш режасини ишлаб чиқиш амалга оширилади. Юк вагонларининг техникавий ҳолатига катта эътибор қаратилади.

Умумий ахборот майдонини сақлаб қолиш ва ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Темир йўл маъмуриятларининг Ахборот-ҳисоблаш маркази тузилиб, муваффақиятли фаолият юритмоқда.

2011 йилнинг 18 октябрида Санкт-Петербург шаҳрида МДҲ ҳукумат раҳбарлари кенгashiда «Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспортини 2020 йилга қадар стратегик ривожлантириш Концепцияси» тасдиқланди. Концепцияни амалга ошириш Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспортини тизимли ва келишилган тарзда ривожлантиришга имкон бериб, темир йўлларни евросиё транспорт тизимига ўйғун бирлашувига кўмаклашади.

МДҲга аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятларининг раҳбарлари Кенгашга аъзо ҳисобланади. Бундан ташқари, кенгаш ишида Болгария, Грузия, Латвия, Литва, Финляндия ва Эстониянинг темир йўл маъмуриятлари раҳбарлари иштирок этади.

8. ЙЎЛАКЛАР

Халқаро транспорт йўлаклари деганда турли мамлакатларни ўзаро боғловчи ҳамда юк ва йўловчиларни энг зич йўналишларда халқаро қатновда ташувини таминлаб берадиган, одатда, транспортнинг хар ҳил турларинининг энг техникавий жиҳозланган магистрал транспорт коммуникацияларининг жамламаси тушунилади.

Европа ва Осиёнинг 18 та давлатини бирлаштирувчи 13 та халқаро транспорт йўлаклари Ғарбий Европа мамлакатларига Шарқий Европа давлатлари, Россия, Қозоғистон темир йўл тармоқлари орқали Хитой ва Осиёнинг бошқа мамлакатларига чиқишини таминлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Темир йўллар ҳамкорлик ташкилоти (ОСЖД) халқаро йўлаклари рўйхатига мувофиқ иккита (№8, №10) йўлак ўтади.

Транспорт йўлаклари – бу, аввало, ташулар бозори бўлиб, унда «ЎТЙ» АЖ ҳам бошқа давлатларнинг темир йўллари, ҳам транспорт бошқа турлари томонидан қаттиқ рақобатга учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро темир йўл транспорт йўлакларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий мақсадлари миллий транспорт коммуникацияларига халқаро транспорт оқимларини жалб қилиш, мамлакат ичидаги транспорт қатновини яхшилаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Қўйилган мақсадларга етиш иқтисодиётнинг темир йўл транспорти хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ ва самаралироқ қондириш, шунингдек, транзит салоҳиятни кенгайтириш, дунёнинг товар ва фрахт бозорларида ўзбек товар ишлаб чиқарувчилари ва транспорт-экспедиторлик корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

9. АТРОФ-МУҲИТ

Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган ҳақиқий кўрсаткичларни белгиланган стандартларга ва ундан паст даражага тушириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва ресурсларни тежайдиган технологияларга ўтиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ва янгилаш.

Темир йўлларнинг асосий хусусияти - бу товар ва йўловчиларни узлуксиз ташишни таъминлайдиган ҳаракатланувчи таркиб ва ишлаб чиқариш қувватларининг туну кун ишлаши. Бундай шароитда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги енг муҳим вазифалардан бири ҳавога зарарли моддалар чиқиндиларини камайтиришdir. Бунинг

учун стационар манбаларга чанг ва газни тозалаш заводлари ўрнатилади, уларда тозалаш фоизи камида 95% ни ташкил қилади. Бундан ташқари, компания темир йўлларни босқичма-босқич электрлаштириш ва тепловозларни электровозларга алмаштириш бўйича иш олиб бормоқда.

Темир йўлларни электрлаштириш ҳар йили тепловозлардан ҳавога заарли моддалар чиқиндиларини 2000 тоннадан кўпроқ камайтиришга имкон берадиган асосий чора бўлади. Шу билан бирга, атмосферага чиқадиган чиқиндиларни камайтириш локомотивларни электр тортиш кучига ўтказиш, поездларни, йўловчи поездларини, кичик стансияларни электр иситишга ўтказиш, мавжуд ҳаракатланувчи таркибни дизел двигателларини тўлиқ алмаштириш билан модернизация қилиш ва янги замонавий электровозларни сотиб олиш орқали таъминланади.

Компаниянинг иқтисодий фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш учун 2021 йилда ажратилган маблағни, корхоналар ва компаниянинг таркибий бўлинмаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган чоратадбирларга мувофиқ, 300 000,0 минг сўм миқдорида, шу жумладан: Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш учун - 70 та режалаштирилган. 946,0 минг сўм; сув ресурслари - 53 718,0 минг сўм; ер ва минерал ресурслар - 101 350,0 минг сўм; ўсимлик ва ҳайвонот дунёси - 73 986,0 минг сўм.

Компания бир қатор тадбирларни амалга оширишни таъминлайди, масалан:

- автомобил транспортини газ ёқилғисига ўтказиш
- эски, эскирган буғ ва катта қувватли сув қозонларини тежамкор ва замонавий қозонхоналарга ўтказиш билан босқичма-босқич алмаштириш.

Юқоридаги барча чора-тадбирлар атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқиндиларининг салбий таъсирини камайтиришга, табиий ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишга қаратилган. Умуман олганда, белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бизга атмосферага заарли чиқиндилар миқдорини ўтган йилга нисбатан тахминан 20 фоизга камайтириш имконини беради.

10. МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР

10.1. ISO халқаро стандарти

Маҳсулот ва хизматлар сифатини истеъмолчилар талабига жавоб берадиган даражада ушлаб туриш ва корхоналарнинг рақобатбардошлиқ даражасини ошириш мақсадида жамият раҳбарияти тарафидан ISO 9001:2015 халқаро стандартларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга келиб «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг 20 та корхонасида сифат менежменти тизими юқорида кўрсатилган стандарт талабларига мувофиқ жорий қилинган ва ишламоқда.

Чиқарилаётган маҳсулотнинг хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини янада ошириш, техникавий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ҳамда мувофиқликни баҳолаш бўйича ишларни халқаро тан олинишини таминлаш, шунингдек, замонавий менежмент тизимларини жорий қилишни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тарафидан 19.10.2015 йилда 298-сонли «2020 йилгача

бўлган даврда сифатнинг миллий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида Қарор қабул қилинди.

Ушбу Қарорни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.12.2015 йилдаги 97-а-сонли президиум мажлисининг баённомасини ижроси бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси А.Ж. Раматов ва «Ўзстандарт» Агентлигининг бош директори А.К.Курбанов томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ корхоналарида ISO 9001:2015 халқаро стандартларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий қилишнинг тармоқ жадвали ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Юқорида қайд этиб ўтилган тармоқ жадвалига кўра, «Содиана транс» ШК да, UzXCMG МЧЖ ҚК ва СМП-406 да халқаро ISO 9001:2015 стандартига мувофиқ сифат менежменти тизими жорий қилинган ҳамда миллий ва халқаро сертификатлар олинган.

Халқаро ISO 9001:2015 стандартига мувофиқ сифат менежменти тизимини Олтиариқ ППС да жорий қилиш бошланган.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ сифат менежменти тизимининг келгусида ишлаши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар режасига мувофиқ Қайта сертификатлаштириш аудити муваффақиятли ўtkazildi, компания сифат менежменти тизими раҳбарияти томонидан таҳлил бўйича йиғилиш баённомаси қарорларининг бажарилиши кузатилди ва ҳужжатлаштирилган маълумотлар янгиланди, сўров орқали мижозларнинг қониқиш даражаси "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ хизматлари истеъмолчилари орасида баҳоланди. Ташқи аудит 2021 йилга режалаштирилган.

10.2. Юк ва йўловчиларни ташуви бўйича хизматлар.

10.2.1. Юк ташувлари

Юкларни ташиш транспортнинг асосий функцияси ҳисобланиб, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарилиши жараёнини давом эттириш ва якунлаш, мӯомала соҳасида, шунингдек, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган юкларни кўчиришдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида юкларни ташиш, юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси темир йўллари уставига мувофиқ тасдиқланадиган ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз ичига темир йўл, унинг корхоналари, юк жўнатувчилар, юк қабул қилувчилар, шоҳобча йўлларнинг эгалари учун мажбурий ҳисобланган, ҳаракат хавфсизлигини, юкларнинг ва темир йўл ҳаракат таркибининг бутлигини, шунингдек, экологик хавфсизликни таминлаш мақсадида уларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган шарт-шароитларни олади.

Темир йўл транспортининг транспорт иши ҳажми уни юк ташувлари иши бўйича кўрсаткичи – юк айланмасини ифодалайди. Юк айланмаси юклар ташиладиган масофани ҳисобга олган ҳолда ташув ишларининг миқдорини тавсифлайди ва ташилган юк ҳажмини улар ташиладиган тегишли масофага кўпайтмаларининг йиғиндиси сифатида таръирифланади.


Юк айланмаси қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб топилади:

$$\sum P * L = P_1 * L_1 + P_2 * L_2 + P_3 * L_3 + \dots + P_n * L_n,$$

бу ерда: P – юкнинг оғирлиги, L – юк ташиладиган масофа.

Юк айланмаси кўрсаткичлари темир йўлнинг моддий-техника ресурсларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун ишлатилади (талаб этиладиган юк вагонлари, локомотивлар парки, электр энергияси, ёқилғи, материаллар, ишчи кучи ва ш.к.).

2020 йил учун юк айланмасини 23,96 млрд тонна/км га бажариш, 95,41 млн тонна юкларни ташиш ва 70,4 млн тонна юкларни жўнатилиши кутилмоқда.




2020 йил учун юк айланмаси, млрд. тн-км

- маҳаллий қатнов 11,5
- импорт 3,8
- экспорт 2,7
- транзит 5,6

2020 йилда ташилган юкларнинг миқдори, млн. тонна

- маҳаллий қатнов 56,0
- импорт 20,9
- экспорт 10,4
- транзит 8,1


2021 йил учун юк айланмаси прогнози, млрд.т-км



2021 йил учун юк айланмаси прогнози, млрд тн-км

- маҳаллий қатнов 12,35
- импорт 3,7
- экспорт 2,8
- транзит 5,7

2021 йил учун юк ташиш прогнози, млн.т.



2021 йил учун юк ташиш прогнози, млн. тонна

- маҳаллий қатнов 57,5
- импорт 20,0
- экспорт 11,0
- транзит 10,0

10.2.2. Темир йўл юк тарифлари

Юк ва юк-багадни ташиш учун ташув ҳақи, шунингдек, уларни қўллаш қоидалари тариф бўйича аниқланади. Базавий тариф 10-01-сонли преискурантларда (тариф қўлланмасида) ҳамда МДҲ темир йўлларининг халқаро йўналишда юкларни ташишга тариф сиёсати билан белгиланади.

10-01-сонли преискурантнинг юк тарифлари икки тасосий ставкага эга – бошланғич-охирги ва ҳаракат операциялари учун. Булардан кейингиси 1-тариф қўлланмасида ҳисоб-китоб жадваллари кўринишида чоп этилган ташув ҳақларини белгилаш учун масофага кўпайтирилган. Тарифларни бу каби тузилиши масофага боғлиқ равишда ҳақ миқдорининг секинлашиб ўсишини тамиnlайди, бу эса ташувларнинг таннархи ўзгаришига мувофиқ келади. Ташув ҳақи энг қисқа масофа учун ундирилади.

МТТ тарифи МДҲ давлатларида амалдаги ставкаларни ҳисоб-китоб қилиш учун асос ҳисобланади – базавий тарифга ташувнинг олислиги, тоннаж ва юклар ташуви амалга ошириладиган айрим мамлакатларнинг ҳудудига қараб пасаювчи тариф қўлланади. МТТ базовий ставкаси қиммат ҳисобланади, маҳсус чегирмалар эса ўзгарувчанликни тамиnlайди. Бошқа коэффициентлар ҳар бир алоҳида мамлакат учун элементларни ва ташувнинг олислигини ҳисобга олади.

МТТ тарифлари узоқ масофаларга ташувларга қулайлик қиласи ҳамда, тегишли харажатларнинг кесимини акс эттириб, қисқа масофага ташувларга нисбатан баландроқ нархларни белгилайди. Бундай ёндашув жамият тарафидан, қисқа масофаларга ташувларга автомоби транспорти тарафидан яхшироқ кўрсатилишини, темир йўл эса олис ташувлар бозорига хизмат кўрсатиб, минтақавий бозор учун рақобат қилмаслигини ҳисобга олиб мақбул деб кўрилади.

10.2.3. Ташувларнинг мувозанатланмагани

Темир йўлларни янгилаш ва реконструкция қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда юк ташувларини ташкил этишининг бутун занжирини мақбуллаштириш бўйича чораларни кўриш лозим. Кўпчилик экспертлар, контейнерлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, «ЎТЙ» АЖ инфратузилма обьектларини, локомотив паркини ва ҳаракат таркибини модернизациялаш бу масалаларнинг ечими бўлиши мумкинлигини қайд этадилар.

Кўплаб мамлакатлардан импорт контейнер ташувлари мавжуд бўлсада, тегишли экспорт юкларининг йўқлиги туфайли уларни қайта юклаш ҳажми жуда кам. Пахта сингари юкларни экспорт ташувларига келсак, тарифларнинг тузилмаси уларни ёпиқ вагонларда ташиш учун қулай, шу туфайли контейнерларда ташиш тежамли эмас. Бундай юклар одатда франко-порт омбори шартида сотилиб, уларни сотилишни кутиб порт омборларида сақлаш зарурати бор, бунда якуний олувчи маълум эмас ва контейнерни Ўзбекистонда паррон транзит учун юклашнинг имкони йўқ.

Ташувларнинг мувозанатланмагани муаммоси қўшни давлатларда мувозанат йўқлиги билан мураккаблашади. Барча қўшни мамлакатлар контейнерда ташувларга тааллуқли савдо номувозанатлигига эга, бунда бўш контейнерлар ортга, Хитой-Европага

жўнатилади ёки денгиз портига қайтиб кетади, бўш контейнерларни ташиш учун маҳсус тарифлар мавжудлигига қарамасдан, бу ҳолат темир йўл транспортида нархи қиммат олисга ташувни англатади. Шу сабабли контейнер операторлари, хусусан, кема қатнови жамиятлари Ўзбекистонга ташув учун контейнерларни истамасдан беришади, чунки бу уларни бир муддат муомаладан чиқариши мумкин. Шу муносабат билан, ташувларнинг мувозанатланмагани ҳамда назорат қилишнинг қийинлиги биргалиқда, кема қатнови жамиятлари одатда Марказий Осиё(дан)га ташувлар учун паррон коносамент таклиф қилмаслигига олиб келади. Айрим кема қатнови жамиятлари одатда молиявий депозит билан тамилланган қайтиб бериш масъулиятини оладиган бошқа транспорт ташкилотлари га ўз контейнерларини берадилар. Депозит миқдори ва юкландиган хавфлар кўпинча кўтариб бўлмайдиган даражада баланд бўлади, шу туфайли контейнерлардан кўпинча юклар тушириб олинади. Ножисмоний тўсиқларга қарамасдан йил мобайнида 70 000 тага яқин контейнер ишланади.

10.2.4. Интерmodal экспедиторлик хизматлари

Кўпичилик экспедиторлар бир модаллидир. Кўп сонли темир йўл экспедиторлари мавжуд бўлиб, улар ўртасида контейнер ташувлари га хизмат кўрсатувчи иккита асосий ташкилот устунлик қилади. Бундан ташқари, кўпчилиги хорижда алоқаларга эга автомобил экспедиторлари ҳам бўлиб, улар беистисно халқаро автомобил ташувлари билан шуғулланадилар. Муваффақиятли интерmodal транспорт учун автомобил ва темир йўл операторлари ўртасида «шериклик» мавжуд бўлиши лозим. Мавжуд бўлмагани туфайли автомобил ва темир йўл экспедиторлари, айниқса, хорижий автомобил компанияларининг мўл эканлигини ҳисобга олиб, рақобатчи ҳисобланадилар: экспедиторлар чекланган танловни таклиф қиладилар.

Нисбатан кам сонли контейнерлар Тошкентда ва Фарғона водийсида жамланганни эътиборга олиб, терминал мослама ва қурилмаларининг йўқлиги интерmodal транспортнинг ўсишига тўсқинлик қилмайди. Кўплаб юклаш-тушириш станциялари портал кўприксимон кранлар билан жиҳозланган ёки контейнерларни тушириш-юклашга қодир ҳаракатчан кранлардан фойдаланиш имконига эгадирлар. Интерmodal ташувлар ортиб бориши билан Чуқурсой ёки Тошкент-Юқ станцияларидағи обьектлар сингари анча йирик терминаллар талаб этилади, улар эса бир модалли асосда ишлайди ёхуд логистик марказларнинг бир қисми бўлади. Бундай терминалларни яратиш ва уларни найзадор юктортигичли штабелловчи юклагичлар ва катта айри юклагичлар билан жиҳозлаш нархи қиммат тадбир ҳисобланиб, уларни мавжуд бўлиши учун ишлаб чиқариш миқёсини ўзиши эвазига тежам зарур бўлади. Шундай қилиб, бундай терминалларга бўлган талаб ва таклифи мувозанатлаш мухимдир.

10.3. Йўловчи ташиш

Маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш бозорининг чекланганлигини ҳисобга олсанк автомобил транспортида шаҳарлараро автобуслар ва хусусий автомобиллар ҳисобига рақобат жуда юқори бўлади. Темир йўл транспортининг ташиш хизматлари эса рақобатбардош тарифлар ҳисобига ва янги маршрутлар жорий қилиниши натижасида такомиллашиб боради.

Ҳозирги пайтда Тошкент–Самарқанд, Тошкент–Бухоро ва Тошкент–Қарши йўналишларида харакатланаётган тўртта юқори тезлиқда харакатланадиган электропоездлар қатнови йўлга қўйилган. Ушбу электропоездлар ҳаво ва автотранспорт ташувларига муносиб рақобат ҳосил қилиб, темир йўлда туристик ташувларни кенгайтириш учун кенг имкониятлар очди.

Электропоезд энг илғор технологиялар бўйича Испанияда «Talgo» компаниясининг мутахассислари тарафидан ишлаб чиқилган.

2020 йилда Бухоро–Мискин ва Урганч–Хива янги темир йўл участкалари қурилиш ишлари якунланди ва 2021 йилда электрификация ишлари тугатилса Тошкент–Самарқанд–Бухоро–Хива йўналишларида тезюарар электропоездлар ҳаракатни ташкил қилишга, йўловчи ва туристларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг тарихий жойлари бўйлаб қулай ва тез ҳаракатланишларига имкон беради.

«Шарқ» экспресс поезди ҳақиқий «Шарқ экспресси» га айланди. Ушбу тезюарар поезд Ўзбекистоннинг учта: Тошкент, Самарқанд ва Бухоро қадимий шаҳарларини бирлаштиради. 160 км/соат максимал тезлик билан ҳаракатланиши натажасида «Шарқ» поезди икки узоқ манзил (Тошкент - Бухоро, 616 км) орасидаги масофани тез ва йўловчиларга қулайлик таъминлаб босиб ўтади.

Туристик хизматларни янада ривожлантириш ва экспортини ошириш бўйича 2018-2021 йилларга мўлжалланган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар комплексига мувофиқ «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Ўзбекистон Республикаси ичida ва халқаро йўналишларда «Ипак йўли» бўйлаб маҳсус туристик поездларни ташкиллаштириш бўйича иш олиб бормоқда. Туризм бўйича хизматлар соҳасини кенгайтириш учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг «O'ztemiryo'lyo'lovchi» АЖ ҳар йили Германиядаги «ITB», Испаниядаги «FITUR», Буюк Британиядаги «WTM» ва бошқа халқаро туристик ярмаркаларда иштирок этмоқда.

Ушбу резерв ва имкониятларни ўрганиш темир йўл йўловчи ташуви мақсадли бозорларининг чегаралирини етарлича аниқ белгилашга имкон бериб, уларни ўзлаштириш эса корхонанинг молиявий ҳолатини анча яхшилашга ёрдам беради.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25-йиллиги арафасида Тошкентдан Андижонга қараб йўловчи поезди қатнай бошлади. Ҳозирги пайтда замонавий тезюарар поездлар Тошкент–Андижон–Тошкент йўналиши бўйлаб кунига икки марта қатнамоқда, ҳафтасига бир марта «Андижон–Бухоро–Андижон» ва «Андижон–Хива–Андижон» поездлари қатнови йўлга қўйилган бу эса мамлакатимизни иккита енг узоқ оралиқдага вилоятларини бирлаштириб жойлардаги фуқароларимиз учун бир қатор қулайликлар яратади.

11 жадвал. – Йўловчи ташиш

Кўрсаткичлар	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й. 2020 га нисбатан
Темир йўл транспорти йўловчи айланмаси, млн. йоловчи-км	4293,9	4329,8	4385,2	1 794,9	3 243,2
Ўсиш суръати, %	109,2	100,8	101,3	40,9	180,7
Темир йўл транспорти орқали ташилган йўловчилар сони, млн. киши.	21,6	22,62	23,37	6,28	12,33
Ўсиш суръати, %	103,0	104,8	103,3	26,9	196,3

Ташиш ҳажми ва ташилган йўловчилар сони 2017-2019 йилларда барқарор ўсиб боришини кўришимиз мумкин лекин йўловчи айланмаси 2020 йилда кескин камайганини кўришимиз мумкин бунинг асосий сабаби COVID-19 коронавирус пандемияси давридаги карантин чекловлари натижасида йўловчи поездларнинг харакати тўхтатилганлигидир. Шу сабабдан 2020 йил якуни бўйича кутилаётган йўловчи айланмаси 1 794,9 млн.пасс.км ни ташкил этади. 2021 йилда кутилаётган кўрсаткичларнинг тўлиқ фаолият олиб борилган 2019 йилга нисбатан камлигининг асосий сабаби, халқаро йўналишдаги йўловчи поездларнинг харакати 2021 йилнинг 2 кварталидан тикланиши назарда тутилганидадир. 2021 йилнинг 1-чорагида халқаро йўналишдаги йўловчи поездларнинг харакатининг қайта тикланиши COVID-19 коронавирус пандемияси туфайли назарда тутилмаган.

Йўловчи айланмаси ташилган йўловчилар сонининг уларни ташишнинг тегишли масофасига кўпайтмаларининг йиғиндиси сифатида қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Sigma A * L = A_1 * L_1 + A_2 * L_2 + A_3 * L_3 + \dots + A_n * L_n$$

бу ерда: А – йўловчилар сони, L – йўловчилар ташилган масофа.

Жорий 2020 йилда йўловчи ташиш харажатлари умумий харажатларнинг 63,8% ни ташкил этади

11. 2020 йил учун кўрсаткичларнинг бажарилиши ва 2021 йил учун прогноз

11.1. 2020 йилда қўйидаги параметрларга эришилган:

- Даромадлар 9 687,2 млрд сўм ҳажмда кутилмоқда;
- Хизматлар экспорти бўйича йил охиригача прогноз кўрсаткичларни 594,0 млн АҚШ доллари ёки йил прогнозига нисбатан 100,7% га бажариш кутилмоқда.
- Жами қиймати 515,16 млн АҚШ долларига teng капитал қўйилмаларни ўзлаштириш, шу жумладан

ўз маблағлари – 212,05 млн АҚШ доллари,

ЎзТТЖ маблағлари – 36,62 млн АҚШ доллари,

хорижий инвестициялар – 126,55 млн АҚШ доллари,

давлат бюджетининг маблағлари – 66,28 млн АҚШ доллари,
тижорат банкларининг кредитлари – 20,0 млн АҚШ доллари,
тўғридан-тўғри инвестициялар – 53,66 млн АҚШ доллари.

- ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг ҳажми 1 261,6 млрд сўм ёки солиштирма нархларда аввалги йилнинг ҳисботига нисбатан 106,9% миқдорида кутилмоқда;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2016 йилдаги ПҚ-2692-сонли «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиқсан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини ижроси бўйича жамиятда «Саноат корхоналари тарафдан чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини камайтиришга оид чора-тадбирлар комплекси» тасдиқланган. Саноат корхоналари бўйича саноат маҳсулотларининг ҳажми хақиқий нархларда 2020 йил ҳисботига нисбатан 2,3% га етиши мумкин.
- 2 652 та янги иш жойлари, жумладан, янги қурилиш бўйича 1 077 та иш жойи, соҳани ривожлантириш дастури бўйича 1 015 та иш жойи ва бошқа йўналишлар бўйича 560 та ташкил қилинган;
- Маҳаллийлаштириш дастури бўйича (54 та лойиха) 212,4 млрд сўм ёки прогнозга нисбатан 100% маблағ ўзлаштирилади.

11.2. 2021 йилга асосий вазифалар:

№ п/п	Номи	Ҳажми	2020 йилга ӯсиш суръати, %
1	Юк жўнатиш, млн. тонна	72,0	102,0
2	Юк ташиш, млн. тонна	98,5	104,2
	шу жумладан экспорт юк ташиш, млн.тонна	11,0	114,6
	транзит юк ташиш, млн. тонна	10,0	118,9
3	Товарлар ва хизматлар экспортини амалга ошириш, млн. долл.	599,0	100,8
4	Янги иш ўринлари яратиш, дона	946	-
5	Капитал маблағларни ўзлаштириш, млн. долл.	625,08	121,3
6	Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, млрд. сўм	1 359,1	107,7
7	Маҳсулотлар, моллар ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқарishни маҳаллийлаштириш, млрд. сўм	270,67	127,4

- Дебитор ва кредитор қарздорликни мониторинг қилиш ва сундиришнинг тегишли чораларини кўриш бўйича ишчи комиссия ишини юритиш ҳамда дебитор, жумладан, муддатидан ўтган қарздорликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг комплекс режасини ишлаб чиқиш.
- ISO стандартлари талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий қилишни давом эттириш ва доимий яхшилаб бориш.

- 2021 йилнинг биринчи июлига қадар 2020 йилдаги иш якунлари бўйича акциядорларнинг ҳисобот умумий йиғилишини ўтказиш, шунингдек, соф фойдани, жумладан, дивидендларни тўлашга ҳам тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш;

2021 йилда темир йўл соҳасини ривожлантириш дастури доирасида кейинчалик ривожлантиришнинг қўйидаги йўналишлари бўйича темир йўл транспортини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:

Темир йўл инфратузилмаси:

- Поп-Наманган-Андижон темир йўл линиясининг 145,1 км ни электрлаштириш;
- 180 км темир йўлларни тиклаш, 250 тадан комплект стрелкали ўтказгичлар ва ўтказма брусларни алмаштириш;

Ҳаракат таркиби:

- «Ўзтемирийўлмаштамир» УК да 35 дона локомотивларни хизмат муддатини узайтириб модернизациялаш ва тиклаш;
- «Қуюв-механика заводи» ШК ва «Андижон-механика заводи» ШК базаларида 650 та юк вагонини ишлаб чиқариш;
- 1445 та юк вагонини хизмат муддатини узайтириб тиклаш ва модернизациялаш;
- «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва тамирлаш заводи» АЖ да 30 та йўловчи вагонларни ишлаб чиқариш;

Темир йўлда поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш:

- авариявий вазиятларни бартараф қилиш ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш;
- темир йўлларни поездлар ҳаракати хавфсизлигини таминлашнинг техникавий воситалари билан янада таминлаш, поездлар ҳаракатини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий қилиш;
- темир йўл транспорти авария-тиклаш хўжалигининг техникавий воситаларини модернизациялаш;

12. МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

12.1. ЮК ТАШУВЛАРИНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

«ЎТЙ» АЖ нинг 2021 йилга мўлжалланган маркетинг стратегияси қўйидаги йўналишлар бўйича белгиланган:

- Ихтисослаштирилган халқаро транспорт терминалларини яратиш, мақбул тариф сиёсатини қўллаш йўли билан Ўзбекистон Республикаси темир йўлларига транзит юклар оқимини жалб қилиш. Юкларни экспорт, импорт ва транзит ташувлари бўйича тизимли таҳлил юритиш.

- Республикада Навоий шаҳридаги аэропорт базасида тузилган халқаро интермодал логистика маркази ва эркин индустрисий зона (СИЭЗ) фаолияти билан боғлиқ темир йўл ташувларини ривожлантириш бўйича ишлаш.
- Мўлжалланаётган транспорт хизматлари тўғрисида ахборот воситаси, темир йўл маркетинг коммуникация сиёсатининг таркибий қисми сифатида транспортда реклама. Транспортнинг барча турлари ўртасида рақобат шарт-шароитида транспортда фаол реклама фаолиятини юртиш зарурлиги шубҳасиз. Транспорт хизматларининг янги турлари, юк эгалари ва юқори тезликдаги ҳаракат йўловчиларига фирмали хизмат кўрсатиш, транзит транспорт йўлаклари, айрим фойдаланувчилар учун имтиёз ва ҷигормалар, юкларни «эшиқдан эшиккача» етказиб бериш, қулай шаҳаратрофида қатновчи электропоездлар, вокзаллар ва поездлардаги сервис хизматлари ва ш.к. саводли, тез англанадиган ва ўзига хос рекламани талаб қилади.
- Юк ташувлари маркетинги масалалари бўйича халқаро тажрибани амалиётда қўллаш, шунингдек, Trans Uzbekistan, Trans Kazakhstan, Trans Russia ва б. халқаро кўргазмаларида иштирок этиш.
- Рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик обьектларини айрим хизматларни амалга оширишга етишини тамиллаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда жамият Ўзбекистон Республикасининг 14.12.2010 йилдаги «Табиий монополиялар тўғрисида» ги Қонунининг 4-моддасига киритилган ўзгартиришларга таянади, бунда темир йўл соҳасида табиий монополиялар субъектларининг фаолиятини давлат тарафидан тартибга солиниши темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланишни ҳисобга олиб белгиланиши назарда тутилган.
- Вагонларни юклаш ва тушириш мудатларини қисқартириш, маршрутли жўнатмалар механизмини жорий қилиш.

12.2. ЙЎЛОВЧИ ТАШУВЛАРИНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

Йўловчи ташувларининг маркетинги аҳолининг транспорт эҳтиёжларини тўла ва самарали қондиришга қаратилган бошқарув тизимидан иборат.

- Йўловчи айланмасини ошириш учун тўғридан-тўғри аралаш ва ички йўналишдаги йўловчи поездларга ташув ҳужжатларини сотиш технологияси тартибга солинди.
- Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларининг талабини қондириш учун бағаж ташувларини ривожлантириш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари билан бағаж вагонларини ижарасига шартномалар тузилади.
- Йўловчиларга йўлда кетиш чоғида ва вокзалларда кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш ва кенгайтириш. Қарши, Термиз, Жиззах, Урганч, Гулистон вокзалларида қулайлиги оширилган залларда сервис хизматларини кенгайтириш.
- Поездларда йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг сифати ва маданиятини, жумладан, қулайликни тамилланишини ошириш. Йўловчи ташувларининг рақобатбардошлигини, йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг сифати ва маданиятини ошириш мақсадида 2021 йилда 15 та янги йўловчи вагони сотиб олинади.

- Жамиятнинг «Эспресс-З» АБТ тизими орқали халқаро йўналишлар, шу жумладан олис хориж мамлакатларига ташув ҳужжатларини сотилишини жорий қилиш.

- Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, норезидентари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маданий мероси ва тарихий ёдгорликлари билан танишишини истовчи туристларнинг эҳтиёжларини маркетинг тадқиқ этиш натижаларига мувофиқ туристик ташувларни ривожлантириш. Шу муносабат билан темир йўлларда туристларни ташувини ривожлантириш бўйича 20210 йилгача мўлжалланган чора-тадбирларнинг комплекс режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режа қўйидагиларни назарда тутади:

- туристларга қулайроқ ва сифатлироқ хизматларни тақдим қилган ҳолда темир йўлларда тезюррар ва юқори тезлиқда ҳаракатланувчи йўловчи поездларни ташкил қилиш;

- «ЎТЙ» АЖ да шакллантириладиган маҳсус (буюртма бўйича) халқаро ва Ўзбекистон Республикаси худудида чартер туристик поездларни ташкил қилиш;

- қўйидаги йўналишлар: Тошкент-Самарқанд-Қарши-Бухоро-Хива, Тошкент-Қўқон-Самарқанд-Бухоро-Хива, Тошкент-Бишкек-Балиқчи йўналишлари бўйича туристик-экскурсия поездлари ҳаракатини ташкил қилиш.

- темир йўлларда туристлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, маълумот марказлари, банкоматлар, савдо шахобчалари ва бошқа хизматлар.

13. МАҚСАДЛИ БОЗОРЛАР

13.1. МАҚСАДЛИ ИСТЕМОЛЧИЛАР

Республикада «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «Ўзбекенерго» АЖ, «Ўзқимёсаноат» АЖ ва бошқалар энг йирик юқ жўнатувчилар ҳисобланади.

Юкларни темир йўл транспортида ташиш цистерналар, полувағонлар, ёпиқ ва бошқа турдаги вагонларда амалга оширилади. Нафақат универсал вагонларда жамлама юклар жўнатилиши, балки очиқ ҳаракат таркибида турли қопламасдан ташиладиган, шунингдек, ногабарит ва хавфли юклар ҳам жўнатилиши мумкин. Жамиятнинг транспорт-экспедицион хизматлари республика бўйлаб, шунингдек, МДҲ, Европа ва Осиё мамлакатлариға ҳам юкларни темир йўлда ташувини ташкил қилишга имкон беради. Хизматлар комплекси ўз таркибига қўйидагиларни олади:

- ҳаракат таркибини тақдим этиш ва юклашга бериш;
- ҳаракат таркибида юкларни маҳкамлаш/ечиш бўйича хизматлар;
- транспорт ҳужжатларини расмийлаштириш;
- айрим юкларни бутун йўл бўйлаб қўриқлаш;
- хавфли ва мураккаб юкларни етказиб беришни ташкиллаштириш;
- бошқа қўшимча хизматларни кўрсатиш.

2021 йилда жамият энг қўп юқ ташиладиган йўналишлар бўйича ташувлар ҳажми оширилишини таминлаши зарур:

- Афғонистонга борувчи узунлиги 882км ли Келес-Ғалаба йўналиши.
- Тоҷикистонга борувчи узунлиги 220 км Келес-Бекобод йўналиши.

- Тоҷикистонга борувчи узунлиги 231 км Болдир –Қудуқли йўналиши.

13.2. НАРХ ҲОСИЛ ҚИЛИШ

13.2.1. Юк ташувларининг тариф сиёсати

Темир йўлларда ташиш хизматлари ушбу хизматларга бўлган нархларни давлат тарафидан тартибга солинадиган табиий монополияларнинг давлат реестрига киритилган. Мамдакат ички йўналишларида темир йўл ташувларининг тариялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилади. Темир йўл транспортидаги тарифлар юк, йўловчи, багаж ва юк-багадни ташиш учун ундириладиган тўловлардан иборат.

Маҳаллий йўналишларда юкларни ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган 10-01 Прейскурантга, ҳалқаро йўналишларда ташувлар учун эса МДҲга аъзо давлатларнинг темир йўлларда Тариф сиёсатига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади.

Ташув тўловлари жамият даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

«ЎТЙ» АЖ бўйлаб юкларни транзит ва экспорт-импорт йўналишларда ташишда идоралараро тусга эга ҳалқаро шартнома ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси темир йўллари Тариф сиёсатининг ставкалари қўлланади.

Тариф сиёсати келишилган тариф сиёсатини шакллантиришнинг ва қўллашнинг асосий тамойиллари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига иштирокчи давлатларнинг темир йўл транспортида келишилган тариф сиёсатини белгилаш Концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган.

13.2.2. Йўловчи ташувларининг тариф сиёсати.

Йўловчи ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисидаги” ПФ-5177-сон Фармонига мувофиқ, товар, иш ва хизматлар муайян нарх ва тарифлар миллий валютада ҳисоб-китоб қилинади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилади. Йўловчи ташувларининг (бир тарафга) солиштирма нархлари 12-жадвалда келтирилган.

12 жадвал - Йўловчи ташиш учун мўлжалланган нархларни қиёсий жадвали

№	Йўл	Авиа эк. Класси	т/й куп	т/й плац	т/й СВ
1	Тошкент-Остона	1 369 000	1 125 294	785 479	
2	Тошкент-Москва	1 969 000	2 532 737	1 589 833	3 766 365
3	Тошкент-Саратов		1 696 805	1 095 037	
4	Ташкент-Уфа	2 063 000	1 539 272	1 030 659	
5	Тошкент-Челябинск		1 770 227	1 052 446	
6	Тошкент-Новосибирск	2 110 000	1 775 901	1 187 371	
7	Тошкент-Екатеринбург	2 110 000	1 868 943	1 237 936	
8	Тошкент-Андижон	178 000	87 949	71 207	180684
Тезюорар «Афросиёб»					
9	Тошкент-Самарқанд	160 000	142 000	105 000	204 000
Йулловчи					
			79 184	57 563	150 214
10	Тошкент-Қарши		94 413	67 244	180 940
11	Тошкент-Термиз	329 000	132 616	91 458	257 555
12	Тошкент-Бухоро	244 000	104 637	73 703	203 338
13	Тошкент-Урганч	422 000	164 783	112 335	321 734
14	Тошкент-Нукус	460 000	175 765	119 162	344 296

*изоҳ: нархлар 01.11.2020 йил санасига берилган

14. РЕКЛАМА СТРАТЕГИЯСИ

14.1. Ривожлантириш стратегияси

Рекламани ривожлантириш учун «ЎТЙ» АЖ мақсадли бозорни ўрганади, оммавий ахборот воситалари ва интернетдаги чоп қилинган материалларни таҳлил қиласди.

«ЎТЙ» АЖ веб-сайтидаги ахборот мунтазам равишда янгиланиб туради.

утахассислар тарафидан энг йирик минтақавий ихтисослашган кўргазмаларнинг ташрифи ташкиллаштирилади.

Жамиятнинг асосий мижозлари ва экспедиторлари билан учрашувлар ўтказилади.

14.2. Рекламани ривожлантириш воситалари.

2021 йилда «ЎТЙ» АЖ да жамият корхоналари тарафидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг маҳсулотларини реклама қилиш бўйича иш давом эттирилади, шунингдек, ОАВ ва телевидениеда реклама буклетлари, видеороликлар ва бошқа ахборот нашрларини чиқариш амалга оширилади.

Юк ташувлари маркетинги масалалари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва амалиётда қўллаш, шунингдек, халқаро конференциялар, семинарлар, давра столлари, мажлислар ва кўргазмаларда иштирок этиш.

15. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ

Мустақиллик йилларида темир йўл транспорти соҳасида қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.11.1994 йилдаги ПФ-982-сонли фармони билан Ўрта Осиё темир йўли базасида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик компанияси ташкил қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 2 мартағи ПФ-2815-сонли «Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони билан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик компанияси очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ) сифатида қайта тузилди.

- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Конуннинг 58-моддасига мувофиқ жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати акциядорлик жамияти мақомига эга бўлди - «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сонли Фармонининг ижроси, шунингдек, жамиятни корпоратив бошқаришнинг тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури бўйича ягона акциядорнинг вакили - «ЎТЙ» АЖ да давлатнинг ишончли вакили сифатида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ташкилий тузилмаси тасдиқланган ва унинг таркибиغا қўйидагилар кирган:

- 15 та унитар корхона, шу жумладан: 6 та минтақавий темир йўл узели (Тошкент, Кўйкон, Бухоро, Кўнғирот, Қарши, Термиз), «Ўзтемирийўлмаштамир», «Ўзбектемирийўлэкспедиция», «Кўприкқурилиш Трести», «Ўзтемирийўлқурилишмонтаж», «406-ихтисослашган қурилиш-монтаж поезди», «14-рельс пайвандлаш поезди», «1-Энергомонтаж поезди», «Экскаваторлар ва занжирли техникани тамирлаш заводи» ва ««Сардоба» Агросаноат комплекси».

– 8 та акциядорлик жамияти, шу жумладан: «Ўзтемир йўлйўловчи», «Toshkent yo'lovchi vagonlarni qurish va ta'mirlash zavodi», «Йўлрефтранс», «Ўзтемирийўлконтейнер», «O'zvagonta'mir», «Гранит», «Тошкент механика заводи» ва «Эйвалекмаксистемирбетон».

Бундан ташқари, «ЎТЙ» АЖ таркибига шунингдек, ижтимоий инфратузилманинг 33 та муассасаси ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент метрополитени фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги ПП-2638-сонли [қарорига](#) ва «ЎТЙ» АЖ бошқаруви раисининг 2016 йил 28 октябрдаги 448-Н-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.10.2016 йилдаги ПҚ-2638-сонли Қарорини бажариш тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тузилмасига «Тошкент метрополитени» УК киритилди.

1-иловада «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ижроия аппаратининг амалдаги тузилмаси акс эттирилган.

15.1. Корпоратив бошқарув

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг ягона акциядори бўлиб Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги маркази ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2006 йилдаги ПҚ-474-сонли «Давлат активларига эга айrim йирик акциядорлик компаниялари кенгашларининг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарорига мувофиқ Жамият кенгаши бошқарув органи ҳисобланади, у Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг вазифаларини бажаради. Жамият кенгаши вазирлик ва идораларнинг ваколатли вакиларидан ташкил топган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тарафидан бошқарилади. Компания бошқаруви жамиятнинг ижроия бошқарув органи ҳисобланади.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ акциядорлик жамиятларининг акциядори (таъсисчиси) ҳисобланади. Инвестициялар жалб этилишини фаоллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва акциядорнинг ҳуқуқлари ҳимояланишини таминлаш мақсадида «ЎТЙ» АЖ кузатув кенгашлари таркибига ва ижроия органларига жамиятнинг малакали вакилларини тавсия қиласи. Жамият бошқаруви раиси тарафидан жамият манфаатларини жамият устав фондидаги улуси бўйича ифодалаш ҳуқуқига ишончнома беради.

Жамиятнинг ўзида ҳамда жамият акция ёки улушга эга хўжалик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими доимо такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли Қарорини ижроси бўйича «ЎТЙ» АЖ да жамият фаолияти самарадорлигининг 10 ва 11- иловаларда акс эттирилган энг муҳим кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Ҳар йили хўжалик жамиятларининг йиллик йиғилишларида йиллик бизнес-режаларнинг бажарилиши, хўжалик жамиятларида йиллик йиғилишларнинг ўтказилиши устидан доимий мониторинг юритилади. 1 декабрга қадар кузатув кенгашларининг мажлисларида кўриб чиқиш учун кейинги йилга мўлжалланган бизнес-режаг лойиҳаси тақдим этилиб, бизнес-режани бажарилиши бўйича ижроия органи фаолиятига холисона баҳо берилади.

Хўжалик жамиятлари кузатув кенгашларининг мажлисларида ҳар чорақда ушбу жамиятларни ички аудит хизматларининг ҳисоботлари тингланади. «Ўзбекистон темир

йўллари» АЖ ҳар чорақда ички аудит хизматига «ЎТЙ» АЖ Жамият кенгашига ҳисоботларни тақдим қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2018 йилдаги ПФ-5468-сонли «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида» ги Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ да дивиденд сиёсати қисмида 2020 йилга мўлжалланган молиявий таҳлилда қонунчиликка мувофиқ соф фойдадан дивидендларни сўzsиз ҳисоблаш назарда тутилган.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4145-сонли ва 2019 йил 10 июндаги ПҚ-4356-сонли қарорлари доирасида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг операцион фаолиятини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича Германиянинг “Deutsche Bahn” (DB) миллий темир йўл компаниясининг “DB Engineering & Consulting GmbH” шўъба корхонаси мутахассислари ҳозирги пайда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мутахассислари билан ҳамкорлиқда 2019 йил 28 майда имзоланган шартнома асосида фаолият олиб боришмоқда.

Германиянинг “Deutsche Bahn” (Дойче Бан) миллий темир йўл компаниясининг таклифларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси тайёрланган ва тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖни ислоҳ қилиш соҳасига бўлган қизиқишини ҳисобга олган ҳолда Американинг “Boston Consulting Group” (BCG) консалтинг компанияси томонидан қизиқиш билдирилган. Темир йўл транспортини ривожлантириш бўйича халқаро тажрибани ўрганишни кенгайтириш мақсадида ушбу компания билан шартнома тузган ҳолда қўшимча тадқиқотлар ўтказишга қарор қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 октябрдаги 05\1-2205-сонли топшириғига биноан, ҳукумат топшириғининг қайта кўриб чиқилиб келишиш жараёнида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштироқидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6096 – сонли фармонларида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти раисининг ички буйруғи асосида чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Жорий йилнинг сентябр ойида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ҳозирдаги фаолиятини ўрганишни, яъни молиявий ва иқтисодий соҳада, мижозларнинг кўрсатилаётган хизматлардан мамнунлигини таъминлаш, операцион фаолиятидаги тўсиқларни аниқлаш, тарифларни белгилашда бўйича халқаро тажриба билан таққослаган ҳолда ўрганишни таъминлаш мақсадида Boston Consulting Group (Бостон Консалтинг Групп) билан шартнома имзоланди. Ислоҳот темир йўл хизматлари бозорида ҳаракатланувчи таркибининг хусусий операторлари пайдо бўлиши орқали рақобатни ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасига хусусий сектор субъектларининг киришини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишни назарда тутади. Туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун асосий эътибор йўловчи ташишни, хусусан, юқори тезликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, режалаштирилган ислоҳотлар доирасида, шунингдек, хусусий бозорнинг ушбу бозорга киришини таъминлаш, юқори тезликда ҳаракатланадиган таркиби сотиб олишга сармоя киритишга қодир бўлган янги иштироқчилар пайдо бўлиши керак.

Ўрганишлар жараёнида қўйидаги йўналишлар белгиланган:

- темир йўл транспорти фаолиятини иқтисодий самарадорлигини ошириш, соҳада рақобатбардош турларини табиий монополиядан ажратган ҳолда, тизимда рақобатни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш;
- ташишни ташкил этиш ва харакат хавфсизлигига боғлиқ бўлмаган носоҳавий корхоналарни жамият таркибидан чиқариш;
- республика транзит салоҳиятини ошириш мақсадида, халқаро транспорт йўлаклари тизимига интеграциялашувни кенгайтириш;
- темир йўл транспорти хизматларини кўрсатишда рақамлаштириш даражасини ошириш;
- соҳага хусусий сектор вакилларини жалб қилиш учун қулай шароитларни яратиш ва давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш;
- темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, техник қайта жиҳозлаш ва ҳаракат таркиби паркини янгилаш, юкларни ташишдан тушадиган даромадлар ҳисобига йўловчиларни ташишнинг ўзаро субсидиялашдан босқичма-босқич воз кечиш.

Трансформациянинг асосий йўналишларидан бири бўлган носоҳавий объектларни тизимдан чиқариш масаласи бўйича ишлаб чиқилган қарор лойиҳасига асосан жами 36 та носоҳавий корхоналар жамият активларидан чиқарилади.

15.2. Кадрлар сиёсати

Жамиятнинг кадрлар сиёсати бўйича вазифалари қўйидагилардан иборат:

- жамият бўлинмаларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини таҳлил қилиш, жамият таркибий бўлинмаларида топширилган иш ҳажми ва тасдиқланган штатлар жадвалиги мувофиқ ходимлар сонини тартибга солиш бўйича масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, ходимларни қабул қилиш ва кўчириш бўйича сонини таҳлил қилиш;
- поездлар ҳаракатининг, меҳнатнинг хавфсизлигини ва ташилаётган юкларнинг бутлилигини сақлаш мақсадида талаб этилаётган ихтисослик ва малакага мувофиқ жамият бошқарма ва бўлинмаларга мутахассислар танловини амалга ошириш;
- темир йўл транспорти соҳасида таълим ва ўқитишга нисбатан Давлат дастурида назарда тутилган мўлжалланган чораларга мувофиқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;
- жамият бўлинмаларида юксак малакали ишчи ва мутахассисларнинг илғор тажрибасини сақлаб қолиш ва оммалаштириш, касбнинг турли нозик тафсилотлари, кўникумаларига ўргатиш, жамият турғун анъаналарини сақлаб қолиш ва ёшларга бериш, жамиятнинг узлуксиз иши ва жамият бўлинмаларида кадрларнинг бир маромда алмашинишини таминлаш мақсадида тор ихтисосликдаги кадрларни тайёрлашда «устозшогирд» усулларини қўллаш.
- оммавий касб кадрларини қўнимсизлиги ва алмашиши, меҳнат интизоми ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Давлат бандлик сиёсатини олиб боришига кўмаклашиш.
- жамиятда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш йўли билан кадрлар потенциалини сифатли шакллантириш ва ишлатишга йўналтирилган кадрларни бошқариш ва улар билан таминлашнинг самарали тизимини яратиш.
- аппаратни, йўл тасарруфидаги таркибий бўлинма, корхона ва муассасаларни ташаббускор, юксак малакали мутахассислар билан бутлаш.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти девони номенклатураси ва Жамият кенгашидаги раҳбар лавозимларни ўрнини тўлдириш учун амалий резервларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида, хорижнинг етакчи олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш борасида бошқарма томонидан тегишли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

2005 йилдан шу кунга қадар Россия Федерация ва бошқа хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик Тошкент темир йўл муҳандислари институти орқали амалга ошириб келинди. Ўтган давр давомида Петербург давлат темир йўл университети, Москва пўлат ва қотишмалар институти, Узоқ Шарқ федерал университетларининг бакалавриат, муҳандислик, магистратура ва аспирантура дастурлари бўйича темир йўл йўналиши бўйича жами 41 нафар бакалавр, 105 нафар муҳандис, 36 нафар магистр таҳсил олиб қайтдилар, 45 нафар аспирант номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиб институт профессор-ўқитувчилари ва Жамият корхоналари ходимлари сафига қўшилдилар.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 2020-2021 ўқув йили учун хориж олий таълим муассасаларида ёшларимизни ўқитишига оид ишлар амалга оширилди, натижада ўрнатилган тартибда танловдан ўтган ёшларимиз хориж олий таълим муассасалари қабул комиссияларининг тегишли қарорларига мувофиқ, ўқишга тавсия этилдилар.

Хусусан, Петербург давлат темир йўл университетига 9 нафар, шу жумладан 5 нафар (магистратура) ва 4 нафар (аспирантура), Россия транспорт университетига 15 нафар, шу жумладан 6 нафар (специалитет), 8 нафар (магистратура) ва 1 нафар (аспирантура), Москва архитектура институти 7 нафар (бакалавриат), Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университетига 23 нафар, шу жумладан 20 нафар (бакалавриат) ва 3 нафар (магистратура), Москва физика-техника институтига 1 нафар ((магистратура) МДТУ битирувчиси) ўқишга қабул қилиндилар.

Шунингдек, хозирда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви мажлисларида (2016 йил 28 июлдаги йиғилишининг 72-сонли баённомаси, 2017 йил 14 августдаги йиғилишининг 95-сонли баённомаси, 2018 йил 9 августдаги йиғилишининг 94-сонли баённомаси, 2019 йил 16 августдаги йиғилишининг 160-сонли баённомаси, 30 августдаги йиғилишининг 169-сонли баённомаси, 17 сентябрдаги йиғилишининг 181- ҳамда 183-сонли баённомалари) қабул қилинган қарорларга мувофиқ, 329 нафар ёшларимиз Россия Федерацияси, Беларус Республикаси ҳамда Япония олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқдалар.

Темир йўл транспорти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш (олий ўқув юртларида таълим бериш тизими, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, чет эл тажрибасини ўрганиш, амалий машғулотлар ўtkазиш, таълим бериш тизимини такомиллаштириш):

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфида 2020 йил сентябрь ойига қадар қўйидаги олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари, шунингдек кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари фаолият юритди:

- Тошкент темир йўл муҳандислари институти;
- Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи;
- Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи;
- Қўқон темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи;
- Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги академик лицей;

- Тошкент темир йўл мұхандислари институти ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўл маркази;
- Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи ҳузуридаги Машинистлар тайёрлаш маркази.

2020 йил сентябрь ойидан бошлаб қўйидаги таълим муассасалари ва кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолият юритади:

- Тошкент темир йўл техникуми;
- Самарқанд темир йўл техникуми;
- Қўқон темир йўл транспорти коллежи;
- Тошкент темир йўл техникуми ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўл маркази.

2020 йилда жамият тасарруфидаги таълим муассасаларини 2309 нафар (Тошкент темир йўл мұхандислари институти – 1078 нафар, Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи – 594 нафар, Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи – 391 нафар ҳамда Қўқон темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи – 246 нафар) ёшлар тамомлади, улардан 16 нафари хорижий олий таълим муассасалари, 134 нафари Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди, қолган битирувчилар тўлиқ иш ўринлари билан таъминланди.

2019-2020 ўқув йилида жамиятимиз таълим муассасаларида ўқишларини ҳаммаси бўлиб 2315 нафар ёшларимиз тутатдилар.

Жумладан,

Тошкент темир йўл мұхандислари институти бўйича:

- бакалавриат – 985 нафар (296 нафар грант асосида, 689 нафари тўлов-контракт);
- магистратура – 93 нафар (13 нафар грант асосида, 80 нафари тўлов-контракт),
ЖАМИ олий маълумотли битирувчилар сони – 1078 нафарни ташкил этди.

Тасарруфдаги ўрта маҳсус касб-ҳунар таълим муассасалари бўйича:

- Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи – 594 нафар;
- Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи – 391 нафар;
- Қўқон темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи – 246 нафар, ЖАМИ ўрта маҳсус маълумотли битирувчилар сони – 1231 нафарни ташкил этди.

Шунингдек, жорий ўқув йилида жамиятимиз маблағлари ҳисобидан Россия Федерацияси олий таълим муассасаларига ўқишга юборилган ёшларимизнинг 64 нафари (47 нафар бакалавр, 17 нафар магистр) ўқишларини тутатиб қайтдилар.

Хусусан,

- Н.Э.Бауман номидаги МДТУни 18 нафар;
- Миллий тадқиқотлар ва технологиялар университетини (НИТУ-МИСиС) 27 нафар (21 нафар бакалавр, 6 нафар магистр);
- Россия транспорт университети (МИИТ) 8 нафар бакалавр;
- Петербург давлат темир йўл университетини (ПГУПС) 8 нафар магистр;
- Омск давлат темир йўл университетини (ОМГУПС) 3 нафар магистр.

2020/2021 ўқув йилидан ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишлар. Кадрларга бўлган реал эҳтиёж, тасарруфдаги корхоналарнинг таклифларини инобатга олган ҳолда темир йўл соҳаси учун зарур мутахассислар тайёрлаш, касб-ҳунар таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, малака талабларини босқичма-босқич халқаро аналогларга мослаштириш, касбга ўргатиш билан бир қаторда

таркибий жиҳатдан умумий таълим олишни биргалиқда олиб борадиган, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларида самарали иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида Халқаро таснифлагичнинг камидаги 3- ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган ёшлар ҳисобидан 3 йилгача бўлган мутахассислик (касл)лар бўйича таснифлагичга таклифлар тақдим этилди.

Жамиятнинг 2020 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли фармони ижросини жадаллаштириш тўғрисида”ги 289-Н-сонли буйруғи билан ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими учун меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича Мувофиқлаштирувчи ҳамда Ишчи гурӯҳ таркиби тасдиқланди.

Алоқадор бошқарма ва корхоналар билан биргалиқда темир йўл транспорти соҳаси бўйича тегишли профессионал стандартлар ишлаб чиқиладиган касблар ва лавозимлар рўйхати шакллантирилди.

Жамият томонидан темир йўл тизими учун таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган тармоқ квалификация рамкаси, 28 (йигирма саккиз) номдаги касб ва мутахассисликлар бўйича профессионал стандартлар ишлаб чиқилиб, жамиятнинг 2020 йил 20 майдаги 01/1873-20-сонли хатига биноан келишиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этилди ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилди.

Мутахассислик ва касбларнинг поездлар ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда халқаро тажрибалар ўрганилиб, ўқитиш давомийлиги белгиланди.

Тошкент давлат транспорт университетининг тегишли кафедралари, тасарруфдаги Тошкент ҳамда Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи педагог жамоаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан билан ҳамкорликда 25 номдаги касб ва мутахассисликлар бўйича малака талаблари, намунавий ўқув режалар ишлаб чиқилди.

Хозирда мазкур малака талаблари ва намунавий ўқув режаларга асосан 10 та умумтაълим, 9 та умумкасбий, 94 та махсус фанлар, 86 та ўқув, 82 та технологик, 41 та квалификацион амалиётлар бўйича жами 322 та ўқув дастурларини ишлаб чиқиш жараёни давом этмоқда.

Таълим муассасалари кесимида Халқаро таснифлагичнинг камидаги 3- ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган ёшлар ҳисобидан ўқувчилар қабулига оид таклифлар шакллантирилди, жумладан кундузги таълим шаклига:

Тошкент темир йўл техникуми	– 600 нафар шундан, 92 нафари бюджет;
Самарқанд темир йўл техникуми	– 600 нафар шундан 94 нафари бюджет;
Қўқон темир йўл транспорти коллежи	– 325 нафар шундан, 75 нафари бюджет.

13 жадвал. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2020 й.	2021 йилга прогноз
Келтирилган иш*	млрд. тн – км	27,22	31,04
Ташиб жараёнидаги ишчилар сони	киши	38 418	38 496
Меҳнат унумдорлиги	минг тн-км / киши сонига	708,5	806,3

* - келтирилган иш – юк айланмаси ва иккикаррали йўловчи айланмасининг йифиндисига тенг шартли иш ҳажми.

14-жадвал. Ўртacha ойлик иш ҳакини ҳисоблаш учун олинадиган жамият ходимлари сони

Жамият тарафидан бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бирлик номи	2019 й.	2020 йил учун кутилаётган	2021 йилга прогноз
Марказий аппарат	94	93	94
Локомотив хўжалиги	7 615	7 454	7 450
Электр таминоти хўжалиги	2 919	2 995	2 970
Сигнализация ва алоқа хўжалиги	3 188	3 084	3 040
Йўл хўжалиги	9 503	9 871	9 800
Вагон хўжалиги	4 100	4 107	4 080
Ташувларни ташкил қилиш бошқармаси	5 468	5 714	5 600
Юк ва тижорат ишлари , логистика	1 808	1 868	1 860
Моддий техник-таъминот хўжалиги «Темирйулёнилғитамин»	2 022	1 491	1 306
Бошқалар	18 472	14 536	14 008
Жами – бош фаолият	55 189	51 213	50 208
Саноат корхоналари	6 869	7 402	7 400
Пудрат ташкилотлар	9 088	12 829	12 800
Ижтимоий институтлар	5 370	4 897	4 450
Метрополитен	3 205	2 952	3 500
«Ўзбеккўмир» АЖ	5 895	0	0
«Шарғункўмир» АЖ	523	579	1 276
Асосий фаолиятга боғлиқ бўлмаган бошқа соҳа	3 667	3 556	3 500
Жами	89 806	83 428	83 134

2 652 та янги иш жойлари ташкил қилинган, жумладан, янги қурилиш бўйича 1 077 та иш жойи, соҳани ривожлантириш дастури бўйича 1 015 та иш жойи ва бошқа йўналишлар бўйича 560 та ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича қўйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси в.б. нинг 2020 йил 29 майдаги «Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 382/1-Н сонли бўйруғи қабул қилинди ва ушбу буйруқقا асосан МҲҲСга босқичма-босқич ўтиш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» тасдиқланди;

Илғор ҳалқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, 2021 йилда молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш амалга оширилади.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молия-бухгалтерия соҳасидаги ходимларини «МҲҲС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд «Сертификатланган ҳалқаро профессионал бухгалтер (CIPA)»,

«Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)» ва «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)» ларидан бирини олиш учун сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants – ACCA) томонидан аккредитациядан ўтган ташкилотларда 2021 йилда корпоратив ўқув курслари амалга оширилади.

15.3. Ижтимоий соҳа

Темир йўл транспортининг барқарор иши ва уни ходимларининг фаровонлиги кўп жиҳатдан бир-бирига боғлиқ ва шу туфайли компания ходимларни турмуш даражаси ва ижтимоий ҳимояланганигини ошириш мақсадида доимий равишда ходимларни сифатли тиббий хизматлар билан таминлаш бўйича чоралар кўрмоқда.

Жамият ходимлари бепул тиббий хизмат билан таминланган. Жамият тузилмасида жамият маблағлари ҳисобига таминланадиган институт, 3 та коллеж ва 16 та тиббий муассаса, санаторий-профилакторий, 9 та санитария –эпидемиология марказлари мавжуд.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга жамият 2020 йилда 270 млрд сўм йўналтириди, 2021 йилда 300 млрд сўм, яъни 2020 йилнинг ҳисботига нисбатан 111 фоизи йўналтирилади, жумладан, соғликни сақлаш обьектларига 210 млрд сўм, ўқув юртларига 90 млрд сўм йўналтирилади.

Соғликни сақлаш тизими жамият ходимларига малакали тиббий ёрдам ва профилактикани таминлашга мўлжалланган.

15.4. Ҳаридлар сиёсати

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2020 йилда коронавирус глобал пандемияси кооперация алоқаларининг бузилиши, маҳсулотга талабнинг ва сотув бозорларининг қисқариши оқибатида иқтисодиётнинг қатор тармоқ ва соҳаларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаоллигига чекловчи таъсирлар вужудга келди. Ушбу таъсирларни бартараф этиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасини кенгайтириш, тармоқлароро кооперацияни чуқурлаштириш ва қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 август 2020 йилдаги ПҚ-4812-сонли “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан жамият жорий эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун ҳаридлар жараёнини ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Рақобат мұхитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармонига асосан қўйидаги тартиблар ўрентилди:

